БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 63 (810)

29 МАРТ ЖУМА 1957 ЙИЛ

ВАҲОСИ 20 ТИЙИН

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛДИРИБ АЙТАДИЛАРКИ, КПСС XX СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРЛАРИДАН РУҲЛАНГАН СОВХОЗ ХОДИМЛАРИ 1957 ЙИЛДА БАРЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ ЯНАДА ҚУПАЙТИРИШ УЧУН ТАҒИН ҲАМ ҚУПРОҚ ҒАЙРАТ БИЛАН ҚУРАШАДИЛАР, ҲАР ҚАЙСИ СОВХОЗНИ СЕРДАРОМАД, ТЕВАРАК АТРОФДАГИ ҚОЛХОЗЛАР УЧУН ЧИНАКАМ ИБРАТ ВА ЎРНАК БЎЛАДИГАН ЧИНАКАМ ИЛҒОР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҚОРХОНАСИГА АЙЛАНТИРАДИЛАР. ШУ ТАРИҚА ЎЛАР ОЛТИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРИШ ИШИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАДИЛАР.

Халқ бойлигини тежаб-тергаб сарфлайлик

Севикли Ватанимиз улуғ ва бой мамлакатдир. Ундаги барча бойликлар халқники. Шунинг учун ҳам Совет жамиятининг ҳар бир аъзоси мамлакат бойликларининг кўпайишидан бевосита манфаатдордир. Мамлакат бойликлари қанчалик кўпайса, Ватанимиз куч-қудрати, унинг шон-шуҳрати шунчалик ошади, меҳнаткашларнинг моддий-фаровонлиги ва моддий савиясини тағин ҳам ошириш учун шунчалик кўп имкониятлар вужудга келади.

Областимиздаги илғор корхона коллективлари фан ва техниканинг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланиш йўли билан иқтисодий кўрсаткичларни тинмай яхшилашга имкон берувчи кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу соҳада Тошкент электро-механика заводининг коллективи, айниқса яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Завод коллективи янги техника ва прогрессив технологияни кенг жорий қилиш ва халқ бойликларини тежаб-тергаб ишлатиш йўли билан йил мобайнида меҳнат унумдорлигини 13 процент оширди ва маҳсулот таннархини пландагига нисбатан 24 процент камайтирди. Коллектив давлат бюджетига белгиланганидан бир миллион 712 минг сўм қўшимча жамғарма берди.

Шу йилнинг бир ойи мобайнида маҳсулот таннархи 318 минг сўм камайтирилди ва қўшимча равишда 222 минг сўм жамғарма берилди. Бундай юқори кўрсаткичларга машина ва агрегатлар қувватидан тўла фойдаланиш, тайёрланаётган маҳсулотнинг ҳар бир единицасига сарфланадиган меҳнат ва хомашё нормасини систематик равишда камайтира бориш, кўплаб ёқилғи, электр қуввати ва ёрдамчи материалларни тежаш, машина ва механизмлар конструкциясини такомиллаштириш ва шу асосда ишлаб чиқариш процессларни қисқартириш тўғрисида эришилди. Корхона маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари коллектив ўртасида тежалган ҳамда иқтисод қилинган тийин ва граммларнинг аҳамияти тўғрисида, уларнинг кучи ва қудрати тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб борди.

Афсуски, кўпгина корхоналарда социалистик хўжалик юргизишнинг асосий методи бўлган иқтисодий тежашга етарли эътибор берилмаётир, хўжасизлик натижасида ҳамда материалларни, хомашё, ёқилғи, электр қуввати ва бошқа моддий бойликларни тежаб-тергаб сарфламаслик туфайли катта нобудгарчиликларга йўл қўйилмоқда ва оқибатда маҳсулот таннархи белгиланганидан ошиб кетмоқда. Жумладан, Бекобод цемент заводида маҳсулот тайёрлаш учун сарфланадиган меҳнат ва хомашёни тежаш, уларга ва унумсиз ҳаражатларни камайтиришга жиддий эътибор берилмаётир. Материалларнинг ортиқча сарф қилиниши ва нобудгарчиликка йўл қўйилиши натижасида маҳсулот таннархи бир йил мобайнида пландагидан 3,5 миллион сўм ортиб кетди. Биргина ёқилғи ва электр қуввати белгиланганидан 1 миллион 786 минг сўм ортиқча сарфланган. Завод раҳбарлари бу аччиқ сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб олмаётирлар, заводда исрофгарчилик ҳамон давом этиб келмоқда. Шу йилнинг январь ойида белгиланганидан 12 процент хомашё, 24 процент ёқилғи, 47 процент электр қуввати ортиқча сарфланган. Шулар оқибатида маҳсулот таннархи камайиш ўрнига 6 процент ошиб кетган.

Халқ бойликларини сарфлашдаги бундай исрофгарчилик ва нобудгарчилик социалистик экономикамизнинг янада эўр бериб ривожлантириш суръатларига тўсқинлик қилади, давлат ва халқ манфаатларига катта зарар етказади. Шуни унутмаслик керакки, ортиқча сарфланган ҳар бир тийин, нобуд қилинган ҳар бир грамм хомашё маҳсулот таннархининг елкасига оғир юк бўлиб тушади, ижтимоий бойликларимизни ва қўшимча жамғармаларимиз миқдорини камайтиради.

Моддий бойликларимизни кўпайтиришдаги мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш ва бу резервларни жамғармаларни кўпайтиришнинг ҳақиқий манбаларига айлантирмоқ учун корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини тинмай яхшилаш, уларнинг рентабеллигини ошириш лозим. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари меҳнат, пул ва материал ресурсларини сарфлашдаги хўжасизлик ва исрофгарчиликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан қаттиқ кураш олиб боришлари зарур. Давлат маблағларининг кўплаб исроф қилинишига йўл қўйётган хўжалик раҳбарлари кенг жамоатчилик томонидан қаттиқ қораланиши керак.

Халқ бойликларини исроф қилинишига бефарқ қараш, — давлат ва партия олдида оғир жиноятдир. Давлат маблағларини оқилона, тежаб-тергаб сарфлаш, ҳар бир тийинни жой-жойига ишлатиш — ҳар бир ишчи, ҳар бир инженер-техник ходим ва ҳар бир хизматчининг муқаддас бурчидир. Социалистик экономикамизда бойликларимизни тағин ҳам кўпайтиришга имкон берувчи резервлар битмас-туганмасдир. Партия, касаба союз ташкилотлари ҳамда хўжалик раҳбарлари ҳар бир корхонада иқтисодий тежаш режимини оғишмай амалга ошириш учун курашишлари керак.

Иқтисодий тежаш халқ хўжалигини бундан кейин ҳам эўр бериб юксалтиришнинг муҳим омилидир. Хўжалик қанчалик тежаб-тергаб юргазилса, корхоналар қанчалик рентабель ишласалар, давлат бюджетига тушадиган маблағлар шунчалик кўпаяди, бинобарин экономикамизни янада юксалтириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини тағин ҳам ошириш учун шунчалик кўп имкониятлар вужудга келади.

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси халқлари ўртасида дўстлик митинги

Венгрия Халқ Республикаси Ҳукумат-партия делегациясининг Совет Иттифоқида бўлиши муносабати билан 27 мартда Москвада СССР ва Венгрия халқлари ўртасида дўстлик митинги ўтказилди.

Пойтахтдаги заводлар ва фабрикаларнинг, интеллигенция, Совет Армияси, ёшлар, жамоат ташкилотларининг жуда кўп вакиллари Катта Кремль саройида тўпландилар. Ложаларда — дипломатик корпус аъзолари, Москвадаги Венгрия элчихонасининг ходимлари, совет ва чет эл журналистлари ўтиришибди.

Кечқурун соат 6. Венгрия Халқ Республикаси Ҳукумат-партия делегациясининг аъзолари Янош Кадар, Иштван Доби, Антал Апро, Имре Хорват, Дьюла Каллаи, Карой Кишш, Геза Ревес, Янош Болдоцки ўртоқлар, Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Г. К. Жуков, Л. И. Брежнев, Д. Т. Шепилов, Н. М. Шверник, Ф. Р. Козлов, А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, П. Н. Поспелов ўртоқлар Президиумда пайдо бўладилар.

Митингни меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Бобровников очди.

Сўнгра Лихачев номидаги Москва автомобиль заводининг ишчиси П. С. Морозов, ёзувчи В. П. Катаев, нефть институтининг студенти В. И. Ермолкин қизғин табрик нутқлари сўзладилар.

Раислик қилувчи Венгрия Халқ Республикаси Ҳукумат-партия делегациясининг раҳбари Янош Кадарга сўз берганида залда гулдурос қарсаклар бошланиб кетди.

Гулдурос олқишлар билан кутиб олинган СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин митингда катта нутқ сўзлади. (ТАСС).

Совхоз ишчилари, бригадирлари, бўлим ва фермаларнинг бошқарувчиларига, совхозларнинг директорлари ва мутахассисларига, совхоз системасидаги барча ходимларга

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Иттифоқи Министрлар Советининг

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Барча республикалар, ўлка ва областларнинг қишлоқ хўжалигида энг ҳал қилувчи давр—кўкламги экиш даври бошланмоқда. Мамлакатнинг жанубий районларида ҳозирданоқ дала ишларига киришилди: кузги дон экинларини парвариш қилиш, тупроқни тайёрлаш ишлари қизитилмоқда, бир қанча жойлардаги колхоз, МТС ва совхозлар эса баҳори бошоқли дон экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини экишга киришдилар.

Ҳозирги пайтда, кўкламги экиш даврида мўл ҳосил етиштириш асослари, демак, бу йил ва келгуси йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ўстириш асослари вужудга келтирилмоқда, чунки деҳқончилик—бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг базасидир. Биз деҳқончиликдан шаҳар ва саноат марказлари аҳолисини таъминлаш учун озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат учун эса қишлоқ хўжалик хом ашёлари оламиз. Деҳқончилик ем-хашак базасини вужудга келтириши сабабли чорвачиликни муваффақиятли суратда ривожлантиришни ҳам ҳал этади. Ем-хашак базаси эса чорвачиликни юксалтиришда, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда энг муҳим ва асосий нарса эканлиги ҳаммага маълум.

Шу сабабдан совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари кўкламга нечоглик тайёр эканликларини, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг жойларда мавжуд бўлган жуда катта имкониятларидан тўла фойдаланишга нечоғлик яхши тайёргарликларини яна ва яна бир марта текшириб чиқишлари зарур. 1957 йилни қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантиришда ва аввало дон етиштиришни анча кўпайтириш асосида гўшт ва сут чорвачилигини янада юксалтиришда чинакам бурилиш йилига айлантириш — бизнинг бурчимиз, бизнинг вазифамизгир. Бу эса мамлакатимиз меҳнаткашларининг эҳтиёжларини қондирмоқ учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ресурсларини кескин суратда кўпайтириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мамлакатимизнинг кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида эришган муваффақиятлари тўғрисида совхоз ходимларига қисқача сўзлаб беришни ўз бурчи деб қисоблайдилар. Мавжуд муваффақиятлар билан киболаниб кетиш учун эмас, балки қишлоқ меҳнаткашларининг ўз иш натижаларини яхши билиб олишлари, ана шу иш натижаларидан фахрланишлари ва айни вақтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги бой резервларни янада равшан билиб, улардан моҳирлик билан фойдаланишлари учун ҳам шундай қилмоқ керак.

Бутун совет халқи ҳақли суратда фахрланаётган асосий ютуғимиз — қўриқ ва бўз ерларнинг муваффақиятли суратда ўзлаштирилаётганлигидир. Шу нарса ҳамманинг эсидаки, 1954 йилнинг бошларида ўша вақтда қўйилган вазифа, яъни 12-13 миллион гектар қўриқ ва бўз ерни ўзлаштириш вазифаси кўп кишиларга жуда оғир, қарийб ҳаёлий ва амалга ошириб бўлмайдиган вазифадек туйилган эди. Кейинги уч йил мобайнида 35,5 миллион гектар қўриқ ва бўз ер ўзлаштирилганлиги энгилликда ҳаммамизга маълум. Бу соҳада Қозоғистон, Сибирь, Поволжье, Урал ва бошқа районлардаги совхозлар ходимларининг хизмати жуда каттадир. Улар салкам 15 миллион гектар қўриқ ва бўз ерни ўзлаштирдилар. Юртимизнинг оташин ватанпарварлари-комсомоллар, ёшларнинг шонли меҳнат зафарларига ҳар қанча юксак баҳо берса арзийди. Улар партия чақиригига жавобан қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун шаҳарлардан ва саноат марказларидан бордилар. Улар қақраб ётган ерларни қисқа вақт ичида ўзлаштириб ва обод посёлкалар қуришгина қолмай, балки илгари одамлар яшамаган районларда кўп тармоқли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун ҳам база вужудга келтирдилар.

Асосан, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, экин майдонларининг структурасини ўзгартириш, ердан фойдаланишни яхшилаш йўли билан дон экинлари майдонлари кескин суратда кенгайтирилди, галла ҳосили оширилди ва ялпи дон ҳосили анча кўпайтирилди. Бунинг натижасида бир йил ичидагина галла тайёрлашни бир миллиард пуд кўпайтириб, 1956 йилда тайёрланган галла миқдорини 3,3 миллиард пудга етказа олдик. Бу эса қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг жуда катта ғалабасидир.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин ўтган уч йил ичида сут тайёрлаш анча кўпайди. Ана шу давр ичида мамлакатда хўжаликнинг барча категориялари бўйича соғилган сутнинг умумий миқдори 1953 йилдагига нисбатан 35 процент ортди, тайёрланган сут миқдори эса қарийб икки баравар кўпайди. Бизда картошка, сабзавот, техника экинлари кўп етиштирила бошлади. Совхоз ва колхозларнинг пахтакорлари ўтган йили яхши ишладилар. Биз шуларнинг ҳаммаси тўғрисида қишлоқ хўжалик ходимларига айтиб беришни лозим деб биламиз. Бу ғалабалар даставвал уларнинг ютуғи, улар қилган қаҳрамонона меҳнат натижасидир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг неча ўн минглаб илғорлари муносиб хизматлари учун ҳукуматнинг юксак мукофотларини олишга сазовор бўлдилар.

Аммо биз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларида ҳам шундай натижаларга эришдик, деб айта олмаймиз. Шу нарсани очиқ айтиш керакки, кейинги икки йил мобайнида баъзи маҳсулотлар бўйича ва хусусан гўшт тайёрлаш соҳасида жуда кам иш қилдик ва олга қараб жуда суст силжиб бормоқдамиз. Совхоз ходимлари шуни билиб олишлари керакки совхозлар кейинги 3 йил ичида гўшт тайёрлашни кўпайтирмадилар деса бўлади. Бу эса уларнинг асосий ва энг катта камчилигидир. Бу камчиликни йўқотиш керак. Шу сабабдан гўшт тайёрлашни кўпайтириш учун кураш партия ташкилотларининг, қишлоқ хўжалигидаги барча меҳнаткашларнинг жонажон иши бўлиб қолмоғи керак. Картошка, сабзавот, қанд лавлаги, техника экинлари ва бошқа экинларни етиштиришни кўпайтириш, шунингдек сут, жун ва тухум тайёрлашни кўпайтириш соҳасида ҳали кўп иш қилишга тўғри келади. Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин оширишни ҳақли суратда талаб қилмоқдалар. Бу эса халқнинг хилма-хил ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган ҳамда тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондириш учун жуда зарурдир.

Совхоз ходимлари, сизларнинг ўзларингиз ҳам магазинларда баъзан қанд, колбаса ва бошқа гўшт маҳсулотлари, крупа, макарон ва шу сингарилар мўл-кўл эмаслиги тўғрисида кўпинча шикоят қиласиз. Демак, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўп ўсганига қарамай, мамлакатнинг бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари ҳали ҳам тўла қондирилмаётир. Демак, бизнинг муваффақиятларимизга ўсиш процентларига қараб эмас, даставвал халқнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаблари қанчалик тўла қондирилаётганига қараб баҳо бериш керак.

Колхоз ва совхозларда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун чексиз имкониятлар бор. Бунинг учун бизда жуда кўп маҳсулдор ерлар, машина ва бошқа техника воситалари, билимдон мутахассис кадрлар, етарли миқдорда ишчи кучлари мавжуддир. Энг муҳими шуки, бизда колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари самарали меҳнат қилишни, Партия ва Ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажаришни астойдил истайдилар. Бир нарса, аммо асосий ва ҳал қилувчи нарса, яъни ишни яхши уюштириш, хўжаликка малакали раҳбарлик қилиш етишмайди. Бутун гап ана шунда. Совхозларнинг ходимлари буни айниқса яхши англаб олишлари керак.

Биз резервларимизни сўзда эмас, балки амалда чинакам ишга соладиган бўлсак, ишга жон-дил билан большевикча астойдил киришадиган бўлсак, у ҳолда партия XX съездининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги қарорлари муддатидан илгари бажарилади ва бизнинг мамлакатимиз халқнинг эҳтиёжларини тўла қондириш учун қанча талаб қилинса, жуда қисқа вақт ичида шунча маҳсулот олишга муваффақ бўлади.

Бу ишда колхозларнинг роли ғоят каттадир. Колхозлар катта муваффақиятларга эришдилар ва уларнинг бу муваффақиятлари бутун халқимизга аёндир. Мамлакатдаги неча мингдаб колхозлар яхши ишламоқдалар, ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалик ери ҳисобига маҳсулотнинг барча турларини етиштиришни йил сайин кўпайтирмоқдалар, давлатга тобора кўп галла, гўшт, сут, жун, техника экинлари ва бошқа экинлар ҳосилини топширмоқдалар ҳамда сотмоқдалар, колхозчиларнинг меҳнатига кўпроқ ҳақ тўламоқдалар. Коммунистик партия, Совет ҳукумати колхозларимизни бундан буён ҳам мустаҳкамлайди ва ривожлантиради.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда совхозларнинг салмоғи ва аҳамияти йил сайин ортиб бормоқда. Бизда ердан тўғри фойдаланаётган, кўп тармоқли, ғоят рентабеллик хўжалик бўлган ва умумий экин майдонининг ҳар 100 гектари ҳисобига деҳқончилик ва чорвачиликдан арзон товар маҳсулотини кўпроқ олаётган неча юзлаб совхозлар бор.

Шу сабабдан ҳозирги вақтда партиямиз қишлоқ хўжалик товар маҳсулотини кўпайтириш ишида совхозларга, уларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлашга, совхозларнинг хўжалик фаолиятига раҳбарликни кескин суратда яхшилашга, мамлакатнинг қўриқ ерлари ўзлаштирилаётган районларида ҳам ва бўш ётган ёки ёмон фойдаланилаётган ерлари бўлган бошқа районларида ҳам совхозлар фойдаланадиган ерларни кенгайтиришга катта эътибор бериб жуда тўғри иш қилмоқда. Бу чора ердан, қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишни яхшилашга ва шу йўл билан маҳсулотнинг етиштиришни кескин суратда кўпайтиришга ҳамда маҳсулотнинг единицасига бўладиган меҳнат сарфини ва маҳсулотнинг таннархини камайтиришга ёрдам беради.

Кейинги йилларда, хусусан 1956 йилда совхозларнинг галласи давлатга колхозлардан олинаётган галладан анча арзон тушаётганлиги жуда яққол исбот этилди. 1956 йилда совхозларда олинган бир центнер галланинг таннархи 34 сўм бўлди. Совхозлар давлатга янада арзонроқ пахта, қанд лавлаги, кунга боқар, картошка, сабзавот, мева ва узум топширмоқдалар.

Бу нарса давлат, умумхалқ хўжаликлари бўлган совхозларнинг коллектив, кооператив хўжаликлар бўлган колхозларга нисбатан устун эканлигини яққол кўрсатади. Бу тамомила табиий бир ҳол, чунки совхозларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши одатда юксак даражада, яхши ташкил этилган бўлади; совхозларда меҳнат ғоят самарали бўлиб, машиналардан унумли фойдаланилади; шу сабабдан совхозларда маҳсулотнинг таннархи ҳам камроқдир.

В. И. Ленин 1919 йилдаёқ Петроград губернияси қишлоқ хўжалик ишчилари съездида нутқ сўзлаб айтган эдики, биз коммуналарда ихтиёрийлик билан ҳисоблашмогимиз керак бўлса, у ёки бу тадбирнинг зарур эканлигига деҳқонни ишонтиришимиз лозим бўлса, совхозларда иш бошқача қўйилган. Ҳеч қачон айрим майда хўжаликлар ихтиёрида бўлмаган ерлар совхозлар ихтиёрига ўтди. Совхозлар Совет ҳокимияти томонидан янгидан тузилган хўжаликлардир. Улар давлатга қарашлидир. Биз совхозлар учун тўла жавобгармиз, уларга техника берамиз, агрономлар юборамиз. Шу сабабдан совхозлар маҳсулотни кўпроқ ва арзонроқ ишлаб чиқаришлари керак. Ленин уруш тамом бўлганидан кейин совхозларга кўп миқдорда қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналар юборамиз ва бунинг натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши гуркираб юксалади, деб орзув қилган эди.

Ҳозирги вақтда Коммунистик партиянинг мамлакатни индустрлаш программасини бажариш натижасида биз қишлоқ хўжалигига ва биринчи галда совхозларга етарли миқдорда техника бердик. Шу сабабдан эндиликда бутун гап ишлаб чиқаришни ташкил этишда, совхозларимизда мавжуд бўлган битмас-туганмас имкониятлардан тўғри фойдаланишда қолган.

Аммо ҳамма совхозлар ҳам умумий ер майдонининг ҳар 100 гектаридан талаб қилинган миқдорда ва ўз имкониятларига яраша бера оладиган миқдорда ҳосил етиштирмоқдалар деб бўлмайди. Барча областлардаги совхозлар ҳам бир хил даражада яхши ишламоқдалар деб бўлмайди.

Иқтисодий жиҳатдан бир хил шароитда бўлган Эстония ССР ва Белоруссия ССРдаги совхозлар 1956 йилда умумий экин майдонининг ҳар 100 гектаридан турли миқдорда чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаганликлари ва топширганликларига раҳбарликнинг ва ташкилотчилик ишларининг турли даражада эканлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Эстония ССРдаги совхозлар умумий экин майдонининг ҳар 100 гектари ҳисобига 329 центнердан, Белоруссия ССРдаги совхозлар эса 199 центнердан сут олганлар; Эстония ССРдаги совхозлар умумий экин майдонининг ҳар 100 гектари ҳисобига 47 центнер гўшт, шу жумладан ҳайдаладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобига 106 центнер чўчқа гўшти, Белоруссия ССРдаги совхозлар 36 центнер гўшт, шу жумладан ҳайдаладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобига 51 центнер чўчқа гўшти олганлар. Кемерово областидаги совхозлар 1956 йилда умумий экин майдонининг ҳар 100 гектари ҳисобига қўшни Новосибирск областидаги совхозларга нисбатан қарийб 2 баравар кўпроқ сут, 2,6 баравар кўпроқ гўшт, шу жумладан 4 баравардан зиёд чўчқа гўшти тайёрлаганлар ва топширганлар.

Бундан ташқари, бир областдаги, кўпинча бир маъмурий райондаги совхозлар бир хил даражада ишлаётирлар деб бўлмайди. Совхозлар ҳар хил ишлайдилар—уларнинг баъзилари яхши ишлаб, кўп миқдорда арзон маҳсулот етказиб бермоқдалар ва рентабель хўжалик деб ҳисобланадилар, баъзилари эса орқада қолиб, умумий экин майдонининг ҳар 100 гектаридан кам маҳсулот бермоқдалар, уларнинг тайёрлаётган маҳсулотлари қимматга тушмоқда ва улар катта зарар кўрмоқдалар. Бундай совхоз давлатга ортиқча юк бўлиб тушади. Бундан ташқари, бундай совхоз фойда олмай, ўз ишчиларининг моддий фаровонлигини яхшилаш имконига эга бўлмайди.

Ростов областидаги сут совхози ва шу областнинг Кагальницкий районидаги Вильямс номли галла совхози бир-бирига қўшнидир. Аммо иш даражаси, ишлаб чиқариш маданияти ва хўжалик ишлари соҳасидаги натижалар жиҳатидан булар ўртасида нақадар катта фарқ бор! Ростов совхози 1956 йилда ҳар гектар ердан 19,5 центнердан, Вильямс номли совхоз эса атиги 11,2 центнердан галла олди; Ростов совхозида умумий экин майдонининг ҳар 100 гектари ҳисобига 245 центнер сут, 42 центнер гўшт, ҳайдаладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобига 21,8 центнер чўчқа гўшти тайёрланди; Вильямс номли совхозда эса ана шу ер миқдори ҳисобига 83 центнер сут, 21 центнер гўшт ва шу жумладан 10,2 центнер чўчқа гўшти тайёрланди. Вильямс номли совхозда бир центнер галла, сут, гўштнинг таннархи Ростов совхозидагига нисбатан қарийб бир ярим баравар ортиқдир. Ростов совхози йил охирига келиб 2,5 миллион сўм фойда олди, Вильямс номли совхоз эса қарийб 400 минг сўм зарар кўрди. Райондаги бир совхозда кўрсаткичлар яхши бўлиб, иккинчисида ёмон эканлигига сабаб нима деб район партия комитетининг секретари ва район ижроия комитетининг раисидан сўраш ўринлидир. Жавоб фақат битта бўлиши мумкин: бутун гап ташкил этишда, раҳбарлик қилишда қолган. Бу энг муҳим нарсадир, бу асосий ва ҳал қилувчи нарсадир.

Шуни айтиш керакки, бизда совхозларнинг ишларига баҳо беришда, умумий экин майдонининг ҳар 100 гектари ҳисобига деҳқончилик ва хусусан чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичларига кўпинча нотўғри муносабатда бўладилар. Юзаки қараганда, умумий экин майдонининг ҳар 100 гектари ҳисобига юз центнерлаб сут, неча ўн центнерлаб гўшт тайёрлаётганликлари учун яхши ишлаётгандек бўлиб кўринган совхозлар ҳам ҳали оз эмас, ҳақиқатда эса бундай совхозлар қолоқ бўлиб, зарар кўрадилар ва сохта, ўринсиз мақталадилар. Улар ўзларини ўзларида тайёрланган ем-хашак билан таъминлаш учун тўла имкониятга эга бўлганлари ҳолда бу иш билан шуғулланмайдилар, ем-хашакни ўзлари учун қулай бўлган арзон баҳоларда давлатдан сотиб олишни афзал кўрадилар. Бундай хўжаликлар кўп миқдорда маҳсулот олсалар ҳам, гўшт тайёрлашдаги имкониятларимизни камайтирадилар, чунки қора моллар семиртириб боқиладиган совхозлар ва гўшт комбинатлари учун зарур бўлган тайёр ем-хашаклар билан молларини боқадилар, бундай гўшт комбинатларининг ерлари бўлмайди. Уларда чорва моллар яхши кондицияга етказилганига қадар муайян муддатда боқувга қўйилади.

Масалан, Тамбов областидаги «Комсомолец» чўчқачилик совхози 1956 йилда анча кўп миқдорда чорвачилик маҳсулотлари тайёрлади. Бу совхоз умумий экин майдонининг ҳар 100 гектари ҳисобига 299 центнер гўшт, 269 центнер сут тайёрлади ва ҳоказо. Аммо совхоз концентрат ем-хашакнинг 75 процентидан кўпроғини давлатдан олаётган бўлса, бундай ютуқларнинг қандай қиймати бор. Совхознинг шунча кўп ери борки, агар хўжаликдан ишнинг кўзини билиб фойдаланилганида у ўзини керакли ем-хашаклар билан тўла таъминлай олган бўлур эди. Лекин бу совхозда ҳаддан ташқари кам ҳосил олинмоқда. Совхоз раҳбарлари ҳосилни кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ўрнига енгилроқ йўлга тушиб олдилар ва бошқа хўжаликларда тайёрланган ем-хашакларни сотиб олиш учун жуда кўп маблағ сарф қилмоқдалар. Шу сабабдан совхоз ўтган йили 400 минг сўмга яқин зарар кўрди.

Белоруссия ССРдаги «Туча» совхози 1956 йилда умумий экин майдонининг ҳар 100 гектари ҳисобига 456 центнер сут ва 62 центнер гўшт тайёрлади. Бу совхоз ҳам экин майдонлари билан таъминланган. Аммо ўз ерларида ем-хашак етиштиришга ҳаракат қилмаётир. Бу совхозда ҳосил кам, маҳсулотнинг таннархи жуда юқори. Ҳар бир центнер галла совхозга 156 сўм 38 тийинга тушди. Маълумки, бундай совхознинг тайёр ем-хашакларни сотиб олиши фойдалироқдир. Совхоз ана шу йўлдан бормоқда. Совхоз бир йил ичида ўзига керакли ем-хашакнинг қарийб тўртдан уч қисмини давлатдан олди. Совхоз 1956 йилда 550 минг сўм зарар кўрди. Бу, ўтакетган исрофгарчиликдан бошқа бир нарса эмас.

Хўжаликни ишнинг кўзини билиб бошқаришга доир бошқа бир мисол келтирамиз. Ростов областидаги Будённий номли йилқичилик совхози кўп тармоқли йирик хўжаликдир. Бу совхозда ҳам резервлар ҳали кўп, албатта. Аммо йилқичилик совхозининг раҳбарлари ва бутун коллективи ердан яхшироқ фойдаланиш учун қунт билан ҳаракат қилмоқдалар. Йилқичилик заводи 1956 йилда 30,6 минг гектар ернинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 16 центнердан дон олди, ўзини уруғлик, ем-хашак билан тўла таъминлади ва давлатга 2,2 миллион пуд галла топширди. Шу билан бирга йилқичилик заводи кўп миқдорда чорвачилик маҳсулотлари, чунончи, 8,5 минг центнер сут, қарийб 6 минг центнер гўшт, 1,3 минг центнер жун ва ярим миллион донага яқин тухум топширди. Йилқичилик заводи 1956 йилда 8,2 миллион сўм фойда олди.

Шу сабабли совхозларнинг раҳбарларидан қайси бирлари, яъни умумий экин майдонининг ҳар 100 гектари ҳисобига бошқаларнинг ем-хашакларидан фойдаланиб, кўп миқдорда чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаган раҳбарларними ёки ўзлари ем-хашак тайёрлаб, кўп миқдорда чорвачилик маҳсулотлари берган раҳбарларними тақдирлаш керак, ана шу масалани аниқлаш лозим бўлади. Равшанки, ем-хашак тайёрлаганларни рағбатлантириш керак, ем-хашак тайёрламагани ҳолда, уни кўп истеъмол қилган хўжалик раҳбарини эса огоҳлантириш, балки унга нисбатан чора кўриш ҳам керак бўлур, токи бошқалар бунни такрорламасин.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Совхоз ишчилари, бригадирлари, бўлим ва фермаларнинг бошқарувчиларига, совхозларнинг директорлари ва мутахассисларига, совхоз системасидаги барча ходимларга

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг

М У Р О Ж А А Т И

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Шу сабабдан совхозларда кадрларни танлашга алоҳида эътибор бермоқ керак. Кам ташаббус кўрсатадиган ёки совхознинг ишларини яхшилаш учун чинакам, большевикча ишлашни истамайдиган совхоз раҳбарларидан қутилиш керак. Биз, айрим кишилар ранжимасин деб хўжаликнинг ёмон ишлашига, давлат учун зарар келтирадиган бўлишига, ана шу совхоз ишчилари моддий-маиший аҳволининг яхшиланмай қолишига йўл қўя олмаймиз. Оммани гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин суратда кўпайтириш йўлидаги курашга отлантира оладиган ва оммага етакчилик қилаоладиган тажрибали кадрлар билан совхозларни мустаҳкамлаш ишларини бундан буён ҳам давом эттириш керак.

КПСС Марказий Комитеги ва СССР Министрлар Совети совхоз системасидаги ходимларнинг эътиборини совхозларда мавжуд бўлган жуда катта имкониятларга жалб этиш зарур деб ҳисоблайдилар ва уларга мурожаат қилиб, ҳар бир совхоз, ҳар бир бўлим, ферма, бригадада планларни яна бир марта қайтадан кўриб чиқишга ва 1957 йилда совхоз ишлаб чиқаришида бирорта ҳам қолоқ участка бўлмаслиги учун барча чораларни кўришга чақирадилар. Ҳамма бир текис бўлолмаса ҳам, аммо ҳеч ким қолоқ бўлмаслиги керак. Қолоқ хўжаликларни ўрта хўжаликлар даражасига кўтариш, илғорларга етказиб олиш—асосий вазифадир. Биз бунга эришсак, маҳсулот шу қадар кўпаядики, биз ҳозир буни тасаввур ҳам қилолмаймиз.

Ҳозирги вақтда ҳар бир совхознинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун қандай имкониятларга эга эканлигини кўздан кечириб чиқиш муҳимдир. Шу билан бирга совхозларнинг барча ходимлари ва биринчи галда раҳбарлар—совхоз директорлари, бош агрономлари, бош зоотехниклари, бош инженерлари шуни тушуниб олишлари керакки, ишдаги муваффақиятларни ўсиш процентларигагина қараб ўлчаш керак эмас, чунки процент билан процентнинг фарқи бор. Яхши уюштирилган хўжаликда ўсишнинг 10 процента ҳам ютуқ деб ҳисобланади, яхши уюштирилмаган хўжаликда эса ўсишнинг юз процента ҳам камлик қилади. Бутун гап қишлоқ хўжалигига яроқли ҳамма ернинг ҳар 100 гектари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига, совхозда мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш даражасига боғлиқдир.

Область, ўлка совхоз бошқармалари, республика совхозлар министрликлари ва СССР Совхозлар министрлиги бу соҳада кўп иш қилишлари керак. Уларнинг вазифаси—совхозларга яхши, оператив раҳбарлик қилишдан, кадрларни пухта танлаш, жойжойига тўғри қўйиш ва ғамхўрлик билан тарбиялашдан, маблағларни ва моддий ресурсларни хўжалик нуқтаи назаридан тўғри тақсимлашдан иборат, токи маблағларнинг талон-торож қилинишига, сочиб юборилишига ва улардан фойдаланмай қолишга йўл қўйилмасин.

1957 йил мамлакатимиз учун ажойиб йилдир. Совет халқи бу йил Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллигини нишонлайди. Ҳеч шубҳа йўқки, совхозларнинг ишчилари, раҳбарлари ва мутахассислари, барча меҳнаткашлари улуғ байрам шарафига социалистик мусобақани кенг ривожлантириб, 1957 йилни совхоз ишлаб чиқаришини кескин суратда юксалтиришда ҳал қилувчи ғалабалар қўлга киритиладиган йилга айлантирадилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети совхозларнинг ходимлари олдига қуйидаги асосий вазифаларни қўйишни зарур деб ҳисоблайдилар:

1. Совхозлардаги ҳамма ерлардан жуда тўлиқ фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини кўпайтириш, қолган қўриқ ва бўз ерларни энг кўп миқдорда ўзлаштириш тадбирлари кўрилсин, экин майдонларининг структураси қайтадан кўриб чиқилсин, ем-хашак етиштиришни кўпайтирмоқ ва айни вақтда дон экинлари экишни кенгайтиришни таъминлайдиган миқдорда ер ажратиб бермоқ учун ёғингарчилик етарли бўлган районларда ерларга дам берадиган экинлар экишга ўтилсин. Мана шуларнинг ҳаммаси галланинг ялпи ҳосилини анча кўпайтиришга, дон хўжалигини кўпроқ товар маҳсулот берадиган қилишга имкон беради. Ҳозирги вақтда совхозларга давлат фондидан ҳамда ери кўп колхозлардан кўп миқдорда янги ерлар берилаётганлиги ҳисобга олиниб, совхозлар томонидан топшириладиган галланинг миқдори бу йил анча кўпайтирилиши лозим.

2. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, совхозлар шаҳарлар аҳолисини картошка ва сабзавот билан таъминлашда етакчи ўрин олсинлар, чунки совхозлар анча арзон маҳсулот берадилар. Масалан, Москва областидаги «Большевик» совхози 1956 йилда ҳар бир гектаридан 264 центнердан, жами 183 минг центнер сабзавотни давлатга топширди. Бу совхозда ҳар бир килограмм сабзавотнинг таннархи 18 тийинга тушди. Белоруссия ССРдаги «Россъ» совхози 95 гектар ернинг ҳар гектаридан 254 центнердан картошка олди. 1 килограмм картошканинг таннархи 13 тийинга тушди. Шу билан бир қаторда совхозлар шаҳарлардаги ва саноат марказларидаги меҳнаткашларни шу маҳсулотлар билан, асосан янгилигида, керакли ассортиментда бутун йил бўйи яхшироқ, планли равишда ва бир текисда таъминлаб туришлари мумкин.

Катта имкониятлар бўлатуриб айрим шаҳарларни картошка ва сабзавотлар билан таъминлашда узилиш бўлиб қолаётгани сингари аҳволга энди тоқат қилиб бўлмайди. Шу сабабли ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма нарсани ҳисобга олиб вазифани шундай ҳал қилиш керакки, йирик шаҳарлар ва саноат марказлари ўзларининг картошкага ва сабзавотга бўлган эҳтиёжларини совхозларда етиштирилган картошка, сабзавот билан яқин бир-икки йил ичида асосан таъминлайдиган бўлиб қолсинлар.

3. Сут етиштиришни, айниқса шаҳарлар ва катта саноат марказлари атрофида сут етиштириш ишини кескин равишда яхшилаш зарур. Шаҳар атрофи районларидаги совхозлар шаҳарларни сут билан таъминлашни ўз зиммаларига олишлари лозим.

Катта шаҳарлар теварагида намунали давлат қишлоқ хўжалик корхоналари, жумладан махсус сут-чорвачилик фермалари барпо қилиш зарурлигини В. И. Ленин 1920 йилдаёқ кўрсатиб ўтган эди. Владимир Ильич ўша вақтда мамлакатда бирдан-бир сут совхози бўлган «Лесние поляни» совхозига борганида шундай бир савол берган эди: «Шаҳар атрофида мана шундай битта ферма тузиш билан кифояланмай, балки бутун Москвани мана шундай фермалар халқаси билан ўраб оладиган ташкилот тузилса бўлмайдими? Бизга юзлаб фермалар ва совхозлар керак».

В. И. Ленининг бу кўрсатмаси ҳозирги кунда ҳам ўз кучини батамом сақлаб келмоқда. Йирик шаҳарларни сут билан таъминлашда совхозларнинг салмоғи тўхтовсиз ошиб бориши зарур. Янги соғилган сутни зарур миқдорда шаҳарларга етказиб беришда кўклам ва куз фаслларида узилиш бўлиб қолишига йўл қўйиш ярамайди. Савдо шохобчалари ўз эҳтиёжларини аниқ ҳисобга олиб боришлари ва шаҳар атрофи совхозлари уларга сутни муттасил етказиб турадиган бўлишдари, бунинг учун совхозларнинг сут етиштириб бериш имкониятлари аниқ ҳисобга олинган бўлиши лозим.

4. Совхозларнинг гўшт етиштириб беришдаги йўл қўйиб бўлмайдиган, кечириб бўлмайдиган қолоқлигига нималар сабаб бўлаётганлигини жиддий равишда текшириб чиқиш ва бу ишда 1957 йилни бурулиш йили қилиш керак. Лоақал эски совхозлар 1957 йилнинг бошигача ўзларида бўлган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда гўшт етиштиришни камида бирярим-икки марта кўпайтириб, шу билан бир вақтда қўшимча олинган ерлар ҳисобига топшириладиган гўшт миқдорини ҳам кўпайтиришлари лозим.

Совхозларда гўшт етишгириш соҳасида рўй берган аҳволни чорвачиликнинг гўштни тез етиштириб берадиган тармоғи—чўчқачиликни жиддий равишда ва тез ривожлантирмасдан туриб кескин равишда яхшилаб бўлмайди. Озуқа етиштиришда катта имкониятлари бўлган кўпгина хўжаликларнинг, айниқса қўриқ ерларда янги ташкил этилган совхозларнинг шу вақтгача чўчқалари йўқ ва шу хўжаликларда кўп миқдордаги галла чиқитлари нобуд бўлиб кетмоқдаки, буни ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмайди. Бу йилнинг ўзидаёқ бундай хўжасизликка қатъиян хотима бериш ва янги ташкил этилган ҳар бир совхозда, айниқса галла совхозида яхши ривожланган, кўп товар маҳсулот берадиган чўчқачилик фермаларига эга бўлиш зарур.

Ёш ургочи чўчқаларнинг ҳаммасидан ҳамма жойда бир марта болалатиб олиш учун фойдаланиш 1957 йилнинг ўзидаёқ гўшт етиштиришни кескин равишда кўпайтириш соҳасида катта аҳамиятга эгадир. Бу вазифанинг қанчалик реал ва фойдали эканлигини Москва областидаги «Кленово—Чегодаево» чўчқачилик совхозининг тажрибаси кўрсатиб турибди. Бу совхозда ўтган йили бир марта болалайдиган 1410 та ургочи чўчқа бор эди, бу ургочи чўчқалардан қариб 11 мингта чўчқа боласи олинди. Мана шунинг ўзи совхоз учун экинзор ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда 135 центнер чўчқа қўшти етиштиришга имкон берди, чўчқа гўштининг ҳар бир центнерининг таннархи эса анча камайди. Бу совхоз ўтган йили бир ярим миллион сўмга яқин фойда олди.

Воронеж областидаги «Масловский» совхози бир марта болалайдиган ургочи чўчқаларни болалатиш йўли билан бир йилнинг ўзида чўчқа гўшти етиштиришни қарийб икки баравар кўпайтиришга муваффақ бўлди ва экинзор ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда 185 центнердан чўчқа гўшти берди.

5. Совхозларда сут ва гўшт таннархининг баландлигига нималар сабаб бўлаётганлиги жиддий равишда анализ қилиниб чиқиши ва шу маҳсулотлар етиштиришни кескин равишда арзонлаштирмоқ учун қатъий чоралар кўрилиши лозим. Бунинг йўли шуки, чорвачиликда янги, прогрессив усуллар кенг жорий қилиниши керак. Масалан, Омск областидаги Лузинский чўчқачилик совхози семиртирмоқ учун боқилаётган чўчқахоналарда ҳар бир чўчқа учун ажратилган катакларни олиб ташлаб, бу чўчқахоналарни кўплаб чўчқа боқиладиган қилиб қайта ускуналади ва шу чўчқахоналарда ўзи озуқа бериб ва ўзи сув бериб турадиган аппаратлар ўрнатди. Бу тадбир совхозга чўчқахоналар биносини кенгайтирмасдан туриб тўрт баравар кўп чўчқани семиртирмоқ учун боқишга қўйиш имкониятини берди, бир чўчқа боқувчининг 120 чўчқа ўрнига 550 чўчқага қарайдиган бўлишини таъминлади. Чўчқаларни мана шундай усул билан боқиб семиртирганда чўчқаларнинг ҳар бир центнер семиртирилишига сарф бўладиган меҳнат камайиб уч одам куни ўрнига 0,5 одам куни сарфланадиган бўлди, яъни оти баравар камайди, озуқаларнинг сарфланиши камайиб, чўчқаларнинг ҳар бир килограмм семиришига 7,5 озуқа единицаси ўрнига 5,2 озуқа единицаси сарфланадиган бўлиб қолди. Шу билан бирга чўчқаларнинг ҳар кунги ўртача семириши ортди, гўштнинг таннархи эса пасайди. Чўчқачилик фермасига хизмат кўрсатаётган ишчиларнинг иш ҳақи анча ошди.

Полтава областидаги Қизил Армия номидаги совхоз ўзи озуқа берадиган аппаратлар ўрнатиб, шу тарққа чўчқаларнинг ҳар кунги семиришини 512 граммга етказди. Чўчқанинг ҳар бир центнер семиртирилишига сарф бўлаётган меҳнат бу совхозда одатдаги тартибда чўчқа боқиш вақтида сарф бўлаётганига қараганда 4,5 баравар камайди. Ҳар бир центнер семирган чўчқа гўштининг қиммати 445 сўмдан 237 сўмга тушди.

Ҳаммага равшандирки, гўштнинг ҳар бир килограммини етиштирмоқ учун сарф бўладиган харажатларни ўзи овқат бериб турадиган аппаратлар ўрнатиш, чўчқаларни боқиб семиртирадиган чўчқа хоналарни яхшироқ планлаштириш, меҳнатни тежин ҳам тўғрироқ ташкил этиш йўли билан анча камайтириш мумкин. Бироқ, шу вақтгача бизда шундай аҳвол ҳам бўлиб келмоқдаки, Воронеж областидаги «Масловский» совхозида бир киши боқувга қўйилган 600 чўчқага қараётгани ҳолда шу областнинг «Нижне-Девицкий» совхозида эса бир киши 120 чўчқага қарамоқда. 1956 йилда «Масловский» совхози 1154 минг сўм фойда олди, «Нижне-Девицкий» совхози эса 1524 минг сўм зарар кўрди. «Нижне-Девицкий» совхозининг директори бу ишни тузатишга шошилмаётир, область совхозлар бошқармаси, Москва зонасидаги совхозлар Бош бошқармаси ва РСФСР Совхозлар министрлиги эса бу аҳволга чидаб турибдилар. Бундай ўтакетган хўжасизликка хотима бериш керак.

Ҳаммага равшандирки, сигирларни машина билан икки марта соғиш фермаларда меҳнат унумдорлигини бир неча баравар кўпайтириши мумкин. Аммо совхозларнинг кўпчилигида сигирларни ҳали ҳам уч-тўрт марта соғиш давом қилиб келмоқда. Ваҳоланки, уч-тўрт марта соғиш меҳнатнинг сарф бўлишини кўпайтиради, соғиб олинган сутнинг бироз кўпайиши ишлаб чиқариш чиқимларининг бунчалик ошиқ бўлишини қопламайди.

Меҳнатнинг сарфланишини анча камайтиришга ва чорвачилик маҳсулотининг таннархини пасайтиришга имкон берадиган бошқа кўлгина усуллар ҳам совхоз ишлаб чиқаришига жуда секин жорий қилинмоқда. Бизнинг совхозларимизда яккабошчилик бўлгани ҳолда совхозларда давлат системамизда мутлақо синовдан ўтган янги, прогрессив усулларнинг жорий қилиниши учун ойлаб ва йиллаб вақт ўтиши керакми ахир. Янгиликларнинг ҳаммаси, синовдан ўтган усулларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришга қисқа муддат ичида жорий қилинадиган бўлсин,—буни ўзгармас қонун қилиб қўйиш керак. Айрим консерваторларнинг бизни бу нарсадан чалғитишларига, биз билан дискуссия қилиб юришларига, илғор ва прогрессив усулларнинг жорий қилинишига халақит беришларига йўл қўйиш ярамайди.

Совхозларда ўз ем-хашакларининг бўлиши ва меҳнат унумдорлигини ошириш улардаги чорвачилик маҳсулотларининг таннархини камайтиришнинг асосий резервидир.

6. Совхозларнинг паррандачиликни ривожлантиришда орқада қолаётганликлари ҳақида алоҳида гапириб ўтиш зарур. Кўпгина галла совхозларида товуқлар бўлмаслиги ғалати ва ҳеч бир сабаб кўрсатиб бўлмайдиган фактдир. Кўпгина совхозларнинг территорияларида бўлган ховузлар, кўллар ва бошқа сув манбаларидан сув паррандаларини боқиш учун фойдаланилмаётганлиги ғалати ва сабаб кўрсатиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Мисол учун Кустанай областидаги Федоровский галла совхозини олиб кўрайлик. Унинг марказий қўраси катта, кўл ёнида жойлашган, аммо совхозда на ўрдак, на ғоз бор. Бу яхши совхоз, дон экинларидан муттасил мўл ҳосил олмоқда. Аммо паррандачилик билан шуғулланмайди. Бунақа совхозлар фақат биттагинами? Фақат Қозоғистон ССРнинг ўзидагина 585 совхоздан 250 тасида парранда боқилмайди. Курка боқаётган совхозларни эса бармоқ билан санаб чиқиш мумкин. Бу қолоқликка қатъиян хотима бериш ва совхозларда яхши ривожланган паррандачилик бўлишига эришиш керак.

7. Қўруқ ва бўз ерларда янги совхозлар тузаётган вақтимизда қўйчиликни ривожлантириш имкониятларимиз кўпайиб кетди. Ҳозир ишлатилиб турган ерлар билан бир қаторда ҳали ҳайдалмаган ва эҳтимолки ҳайдалиб экин экиш мақсадга мувофиқ бўлмаган, аммо қўйчиликни ривожлантирмоқ учун жуда яхши озуқа базаси бўладиган юз минг гектарлаб ерларимиз бор. Қўйчиликни, биринчи навбатда майин жунли ва ярим майин жунли қўйчиликни кенг ривожлантирмоқ учун бу имкониятлардан фойдаланмаслик нотўғри бўлур эди. Совхозларда одамлар бор, бунинг учун бутун шарт-шароит бор. Хўш, яна нима керак? Дон хўжалиги билан бир қаторда қўйчиликни кенг ривожлантирмоқ учун фақат истак бўлиши керак. Унчалик кўп харажат талаб қилинмайди, асосан қўйларни сув билан таъминлаш учунгина харажат керак бўлади. Қўтонларни жуда пишиқ қилиб қуриб, уларни қимматга туширишдан иборат бўладиган ортиқчаликларга қарши қаттиқ курашиш керак, бунақа жуда пишиқ, қимматга тушадиган қўтонларнинг сира зарурияти йўқ. Қўй яйловда боқиладиган жонивордир. Чўл, дашт шароитида эса қўйларни қўзилатиш ва қор-ёмғир вақтида қўйларни асраб туриш учунгина бинолар керак бўлади. Шу сабабли маҳаллий бинокорлик материалларидан ва аввало қамишдан фойдаланиб арзон қўтонлар қуриш керак, бунинг учун эса қамиш запаслари чекланмаган миқдорда бор деса бўлади.

8. Қўшимча тармоқларни ривожлантирмоқ учун ҳар қайси совхознинг имкониятларидан мумкин қадар тўла фойдаланиш керак. Шуни интилиш керакки, хўжаликда ҳеч бир нарса беҳуда кетмайдиган бўлсин, ҳамма нарса: ғалла чиқитлари ҳам, картошка чиқитлари ҳам, сабзавот чиқитлари ҳам, далачиликдаги бошқа чиқитлар ҳам фойда берадиган қилиб ишлатиладиган бўлсин. Бизнинг ҳамма хўжаликларимиз кўп тармоқли, юксак даражада рентабел хўжалик бўлиши керак. Албатта, бу ишни маҳаллий шароит ва имкониятларни кўзда тутиб фахм-фаросат билан қилиш керак. Ҳамма нарсадан тўлиқ фойдаланмоқ учун совхозларнинг ходимлари йил бўйи иш билан банд бўлишларини таъминламоқ, ишлаб чиқаришда уларни жой-жойига қўйиб ишлатмоқ учун шу ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ўсиб бориши, ишқаки кўпайиб бориши, моддий ва маданий фаровонлиги тинмай ошиб бориши учун хўжаликни ҳар томонлама ривожлантирмоқ керак.

9. Совхозлар системасидаги ҳамма ходимлар шуни қаттиқ эсда тутишлари керакки, юқорида айтиб ўтилганидек чорвачилик ишининг яхшиланиши биринчи навбатда ем-хашак базасига боғлиқдир. Шу сабабли ем-хашак базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга асосий эътибор берилиши лозим. Шу билан бирга совхозлардаги ҳамма ходимлар шуни яхши билиб олишлари керакки, совхозлар ем-хашакнинг ҳамма турлари билан ўзларини тўлиқ таъминлаб олдиган бўлсинлар. Зарур миқдорда ери бўлатуриб бу ердан ёмон фойдаланаётган ва четдан сотиб олинган ем-хашак билан мол боқаётган совхозларнинг бўлишига энди йўл қўймаслик керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ем-хашак етиштиришни кескин равишда кўпайтириш учун маккажўхори ҳал қилувчи экин экилгани ва бундан буён ҳам шундай экин бўлиб қолишини совхозларнинг ходимларига қайта-қайта уқтириб ўтишни зарур деб ҳисоблайдилар. Илғор совхозлар кейинги икки йил ичида маккажўхори етиштиришни яхши ўзлаштириб олдилар. Маккажўхори донидан ва унинг думбул сўталаридан мўл ҳосил олмоқдалар. Бироқ, совхозларда экилган маккажўхорининг нобуд бўлиб кетиши ёки жуда паст ҳосил бериши сингари ҳоллар ҳали ҳам кўп учрайди. Бу ҳол совхоз ходимлари учун шармандаликдир, бунга йўл қўйиб бўлмайди. 1957 йилда бунга хотима бериш керак.

1956 йилда Германия Демократик Республикасининг халқ хўжаликларида ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативларида тажриба тариқасида маккажўхори экилган эди. Улар маккажўхорини бизнинг уругларимиз ва бизнинг селекцияларимиз билан квадрат-уялаб экдилар.

Германия Демократик Республикасининг давлат ва кооператив хўжаликлари маккажўхорининг мол озуқаси бўлиш аҳамиятига муносиб баҳо бериб, бу экинни парвариш қилиш ва ундан фойдаланиш ишида илғор усулларни (квадрат-уялаб экиш, ҳосилни хиллаб йиғиб-териб олиш ва думбул сўталарни алоҳида ва кўк пояларни алоҳида силос қилиш усулларини) қўлланиб ҳамма жойда яхши натижаларга эришдилар. Масалан, Магдебург округидаги Шваненберг халқ хўжалигида маккажўхори квадрат-уялаб (қатор ораларининг кенглиги 62,5х62,5 сантиметр қилиб) экилган ва машиналар билан узунасига ҳамда кўндалангига ишланган эди. Шу маккажўхорининг кўк пояси ва сўтаси бўлиб: «Партизанка» сортидан бўлган маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 850 центнер, «Краснодарская» 1749 сортидан бўлган маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 750 центнер ва «Успех» гибридининг ҳар бир гектаридан 660 центнер ҳосил олинди. «Кверфут» халқ хўжалигида, Галл округидаги Шафштедтда бўлган Фридрих Энгельс номли қишлоқ хўжалик кооперативида ва бошқа кўп хўжаликларда ҳам маккажўхоридан яхши ҳосил олинди.

Германия Демократик Республикасида катта эътибор берилаётган ҳашаки лавлаги ва картошка сингари бошқа экинларга таққослаб қараганда маккажўхори озуқа единицасининг миқдори жиҳатидан ҳам, озуқа бўлишдаги афзалликлари жиҳатидан ҳам хўжаликларга анча кўп манфаат берди. Шваненберг халқ хўжалигида қилинган ҳисобларга қараганда ҳар бир гектардан олинган 600 центнер маккажўхори ҳосили ўзининг кўкпояси ва сўталари билан бирликда 96 центнер қуруқ модда, 5,4 центнер оқсил ва 51 центнер крахмал берганлиги маълум бўлди. Ваҳоланки, ҳар бир гектардан олинган 400 центнер ҳашаки лавлаги гектарига фақат 40 центнер қуруқ модда, 2,4 центнер оқсил ва 22,4 центнер крахмал беради, ҳар бир гектардан олинган 200 центнер картошкадан эса гектаридан 44 центнер қуруқ модда, 1,4 центнер оқсил ва 32,2 центнер крахмал олиш мумкин.

Шундай қилиб, ҳар бир гектардан олинган маккажўхоридаги тўқлик моддаларнинг миқдори ҳар бир гектардан олинган ҳашаки лавлагидаги ёки картошкадаги тўқлик моддаларнинг миқдорига қараганда икки ярим баравар ортиқдир, ҳар бир гектар маккажўхорини экишга, парвариш қилишга ва ҳосилини йиғиштириб олишга эса картошканинг ҳар бир гектарига қараганда икки баравар кам ва лавлагининг ҳар бир гектарига қараганда тўрт баравар кам меҳнат сарф қилинади. Бунда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Германия Демократик Республикасидаги давлат ва кооператив хўжаликларининг тажрибасидан маълум бўлишича, молларга кўкпоя ҳолида ҳам, шунингдек силос ҳолида ҳам едириладиган маккажўхорининг яхши озуқа бўлиш хусусиятлари чорва молларнинг маҳсулдорлигини анча кўпайтиришга ва маҳсулотнинг сифатини яхшилашга, сутнинг мойини кўпайтиришга имкон беради. Германия Демократик Республикаси хўжаликларида 1957 йилда маккажўхори экиш анча кенгайтирилади.

Маккажўхоридан йил сайин муттасил мўл ҳосил олаётган ва бу соҳада ҳар қанча мақташга ва ибрат қилиб кўрсатишга сазовор бўлган жуда яхши совхозлар бизда ҳам бор. Мисол учун Сталинград областидаги «Красный октябрь» совхозини олиб кўрайлик. Бу совхоз 300 гектар ерга маккажўхори экиб, унинг ҳар бир гектаридан 350 центнердан кўпроқ маккажўхори поя олди. Эстония ССРдаги «Аузий» совхози 20 гектар ердаги маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 446 центнердан кўкпоя олди. Калуга областидаги «Агаришевский» совхозида звено бошлиғи ўртоқ Макарова 10 гектар ердаги маккажўхорининг ҳар гектаридан 606 центнер кўкпоя олди. Краснодар ўлкасидаги «Кубань», «Кропоткинский» совхозлари, Ставрополь ўлкасидаги «Темижбекский», Днепропетровск областидаги «Зара коммунизма», Фрунзе областидаги «Жанги пахта» ва «Аламиддин» совхозлари ҳар йили ўрта ҳисоб билан маккажўхорининг ҳар гектаридан 25-37 центнер ва ундан ҳам кўпроқ дон олмоқдалар.

Бироқ, кўп совхозларда маккажўхори етиштириш яхши йўлга қўйилмаган. Совхозларнинг ҳамма ходимлари ва, биринчи навбатда, совхозларнинг раҳбарлари, бўлимларнинг бошқарувчилари, трактор, далачилик бригадаларининг бошлиқлари, фермаларнинг мудирлари шуни яхши билиб қўйишлари керакки, бу йил экилган маккажўхорининг нобуд бўлишига ёки маккажўхоридан кам ҳосил олинишига доир ҳолларнинг биттаси ҳам текширилмасдан қолмасин ва бу иш юзасидан лозим бўлган чоралар кўрилмасдан қолмасин. Ё ёки бу участкада ҳосилнинг нобуд бўлганлигини ёки жуда кам ҳосил олинганлигини фақат йил охиридагина билиб қоламиз. Эндиликда бундай аҳволга чидаб туриш ярамайди. Шундай қилиш керакки, совхозда маккажўхорини экиш билангина иш битмаслигини, уни яхшилаб ўстириш ва мўл ҳосил олиш ҳам кераклигини қатъий қилиб билиб олсин.

Маккажўхорини ишнинг кўзини билиб, фахм-фаросат билан ўстиришнинг маъноси нима? Бунинг маъноси шуки, маккажўхори экмоқ учун энг боп ерларни синчиклаб танлаб олиш, бу ерларни ўғитлаб қўйиш ва экишга яхшилаб тайёрлаш керак; яхши уругликларни, биринчи навбатда сермаҳсул, серҳосил гибрит уругларини ғамлаб қўйиш керак. Ҳамма жойда квадрат-уялаб экиш усулини қўлланиш керак. Бу усул маккажўхори қатор ораларини машина билан ишлашга имкон беради; маккажўхорини ҳосилга энг кўп фойда берадиган жуда яхши муддатларда экиш ва ишлаш керак; маккажўхорини силос учун, кўкатлигида едириш учун ёки қуруқ дон қилиб олиш учун нобуд қилмай йиғиб-териб олиш керак. Совхозларнинг ходимлари шуни ҳам яхши эсда тутишлари керакки, сўталари думбуллигида йиғиб-териб ва силос қилиб қўйилган маккажўхорининг ҳар бир гектари энг кўп миқдорда озуқа единицаси беради. Шу сабабли маккажўхори ҳосилининг кўпчилик қисмини силослаб қўйиш керак. Токи ҳар бир совхозда ҳар бир сигир учун камида 10 тоннадан силос ғамлаб қўйилсин ва чорва молларнинг бошқа турлари учун ва айниқса чўчқалар учун ҳам керакли миқдорда ғамлаб қўйилсин. Бунинг учун маккажўхорининг турли сортларини экиш керак. Чўчқалар учун бўйи пастроқ, поясининг оғирлигига нисбатан 50 процентчаси сўта бўладиган маккажўхори сортларини экиш керак. Бундай жўхоридан қилинган силосни чўчқалар иштаҳа билан ейдиган бўлади, айниқса бундай жўхори қовоқ, картошка, пўхот, ловя сингари экинлар билан қўшиб силос қилинса чўчқаларга жуда маъқул озуқа бўлади. Сигирлар ва қора молларнинг ҳаммаси учун эса баланд бўйлик сортлардан бўлган маккажўхорилар экиш керак ва бу маккажўхориларни пояси ва думбул сўталари билан қўшиб силос қилиб қўйиш керак. Шундай қилганларнга биз чорвачиликни анча тез юксалтирган бўламиз ва ер майдонларини кенгайтирмасдан туриб кўпроқ миқдорда чорва молларни боқиб етиштираоламиз.

Маккажўхори дон ва озуқа экинлари орасида энг серҳосил экиндир. Аммо маккажўхорининг ҳал қилувчи афзаллиги фақат шу билангина чекланмайди. Маккажўхорининг кучи яна шундаки, уни экиш, парвариш қилиш ва ҳосилини йиғиб-териб олишни тўла равишда машиналаштириш мумкин. Шундай қилинганда маккажўхори энг арзон озуқа бераолади. Маккажўхори поя ларини ва унинг думбул сўталарини силос қилиб қўйиш бу қиммат озуқаларни бузмай асрашга имкон беради.

Ҳамма шу нарсани яхши эсда тутиш керакки, маккажўхори мўл ҳосил берган тақдирдагина уни экиш фойдали бўлади. Ана шунда маккажўхоридан бўлган озуқа единицасига бошқа ҳар қандай озуқа экинларига нисбатан жуда кам харажат сарф бўлади. Шу сабабли биз маккажўхори экиладиган майдонларни сириштирмай кенгайтира бермасдан, балки маккажўхоридан мўл ҳосил олиш тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз лозим. Ҳар қайси хўжаликка қанча маккажўхори керак бўлса шунга етарли қилиб экиш керак.

Ҳозирги вақтда маккажўхори тўғрисида ёзилган китоблар етарли бор ва бу соҳада катта тажриба тўпланган. Ҳар қайси областда ва районда маккажўхоридан мўл ҳосил олаётган хўжаликлар бор. Ҳамма гап бу ишга ҳавас бўлишига, ишнинг ташкил қилинишига боғлиқдир. Маккажўхори экиш ва уни етиштириш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ҳаммаси онгли равишда ҳал қилинадиган бўлиши, иш талаб қилган даражада ҳал қилинадиган бўлиши керак. Совхозларнинг ходимлари шуни билишлари керакки, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш учун кураш аввало маккажўхори учун, шу муҳим экиндан мўл ҳосил олиш учун кураш дир. Маккажўхоридан ҳосил олишга мажбурмиз, биз ҳақиқатан ҳам шу ҳосилни оламиз.

Шу билан бир вақтда бошқа ем-хашак экинлари етиштиришни ҳам кўпайтиришни таъминлаш, ёғингарчилик етарлик бўлган районларда беда зорларни кенгайтириш, нохот-сули ва вика-сули аралашмалари етиштиришни кўпайтириш, ширин лупин экинлари яхши ҳосил берган районларда бу экинларни экишни кенгайтиришга алоҳида эътибор бериш, соя экини ва бошқа экинларни ҳам кўпроқ экиш керак.

Ёғингарчилик етарлик бўлган зоналардаги совхозларнинг ери қуруқ шудгор қилиб қўйишдан экин билан банд қилиб қўйиладиган шудгорларга ўтиш йўли билан озуқа ресурсларини кўпайтириш учун катта имкониятлари бор. Россия Федерациясидаги ери қора тупроқ бўлмаган зонадаги совхозларнинг ўзидагина экинли шудгорлардан 550 минг тоннадан кўпроқ кўкат олиш мумкин, бу кўкат ва озуқалар сут етиштиришни камида 75-100 минг тонна кўпайтириш ёки 15-20 процент ошириш имкониятини беради. Калуга областидаги совхозларда 1956 йилда 20 минг гектар тоза шудгор бор эди. Улар шу шудгорларга вика-сули аралашмасини экканларида қўшимча равишда 100 минг тоннадан кўпроқ кўкат озуқа олган бўлур эдилар. Бу кўкат озуқа билан 13,5 минг тонна сут етиштириб беришлари ва давлатга топшириладиган сутни 50 процент кўпайтиришлари мумкин эди. Белоруссия ССР совхозлари бу йил тоза шудгорларга камида 30 минг гектар озуқа экинлари экиб бу билан экин майдонларини 14,3 процент кўпайтиришлари мумкин. Литва ССР совхозлари шудгор қилиб қўйилган ерлардан фойдаланиш йўли билан экин майдонларини 11,5 процент кенгайтиришдари мумкин. Бошқа областлар, ўлкалар ва республикаларда ҳам шундай имкониятлар бор.

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш вазифаларининг ўз вақтида ва тўла ҳал қилиниши совхозларнинг, область ва ўлка совхозлар бошқармаларининг ҳамда иттифоқчи республикалар ва СССР Совхозлар министрликларининг ходимлари учун интиҳоси бўлади, деб ҳисоблайдилар. Бу вазифаларнинг муваффақият билан ҳал қилиниши совхозларнинг ходимлари, биринчи навбатда директорлар, бўлимларнинг ва фермаларнинг бошқарувчилари, трактордалачилик бригадаларининг бошлиқлари бор имкониятларни қанчалик тўғри қидириб топаётганликларини, бу имкониятлардан қанчалик тўла фойдаланаётганликларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтирмоқ учун кучларни жой-жойига қўйиб, бу кучлардан қанчалик тўғри фойдаланаолишларини кўрсатади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Иттифоқи Министрлар Совети қатъий ишонч билдириб айтадиларки, КПСС XX съездининг қарорларидан руҳланган совхоз ходимлари 1957 йилда барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун тағин ҳам кўпроқ ғайрат билан курашадилар, ҳаркайси совхозни серҳосил, теварак атрофдаги колхозлар учун чинакам ибрат ва ўрнак бўладиган, чинакам илғор қишлоқ хўжалик корхонасига айлантирадилар. Шу тариқа улар олтинчи беш йиллик планнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга доир топшириқларини муддатидан олдин бажариш ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

КПСС Марказий Комитети

ССР Иттифоқи Министрлар Совети

Ишчилар, колхозчилар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимлари, фан ва маданият ходимларига, Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларга

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Совет халқининг КПСС XX съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун олиб бораётган умумхалқ курашида, коммунизм учун курашда Ўзбекистон меҳнаткашлари фахрли ўрин эгаллайдилар.

Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлган ва СССРда етиштириладиган пахтанинг учдан икки қисмини берадиган бизнинг республикамиз енгил ва озиқ-овқат саноатини жуда қимматли хомашё — пахта билан таъминлаяпти.

Ўзбек халқининг пахта етиштиришни кўпайтириш учун кураши — жонажон Ватанимизни янада гуллаб-яшнатиш ва унинг қудратини мустаҳкамлаш учун, совет халқи фаровонлигини ошириш учун курашдир.

Ўзбек халқи пахта етиштиришни ўзининг интернационал ватанпарварлик бурчи деб, коммунизм қурилиши ишига қўшаётган муносиб ҳиссаси деб билиб, пахта ҳосилини йил сайин оширмоқда, ана шу қимматли экин экиладиган майдонларни кенгайтирмоқда.

Ҳозир халқнинг Мирзачўлдаги ҳосилдор ерларни ўзлаштириш тўғрисидаги асрлардан бери қилиб келаётган орзуси амалга ошмоқда. Бу ерда ерларни суғориш, шаҳарлар, совхоз ва колхоз посёлкалари, саноат корхоналари, магистрал йўллар, электр линиялари қуриш юзасидан ишлар кенг миқёсда олиб борилмоқда. Мингларча ватанпарварлар Мирзачўлни ўзлаштирувчиларнинг олдинги сафида бўлишдек олижаноб истак билдирдилар. Давлат бу мақсадлар учун катта маблағ ажратди. Бир неча йил ўтгач, Мирзачўл пахтачиликнинг жуда катта районига айланади.

Фарғона водиси қадимдан кишилар эътиборини ўзига жалб қилиб келади. Совет ҳокимияти йилларида бу сахий ўлка равнақ топди, Ўзбекистоннинг гавҳарига, пахтазор, боғ ва узумзор водига айланди. Бироқ Марказий Фарғонадаги унумдор ерларнинг катта майдонлари ўзлаштирилмай қолиб келар эди.

Фарғона, Андижон ва Наманган областларининг колхозчилари ажойиб ташаббус кўрсатдилар. Булар бундан 4 йил илгари колхозлардаги мавжуд маблағ, куч ва моддий имкониятлар ҳисобига Марказий Фарғонадаги қўриқ ерларни ўзлаштира бошлашга қарор қилдилар. Партия ва ҳукумат Фарғона водиси колхозчиларининг ватанпарварлик ташаббусини маъқулладилар ва қизғин қўллаб-қувватладилар, уларга катта ёрдам кўрсатдилар. Энг яхши техника ва мутахассисларнинг катта отрядига эга бўлган кучли «Ферганаводстрой» трести тузилди. Колхозчиларнинг таклифига мувофиқ Марказий Фарғонада олиб бориладиган ирригация-мелиорация қурилиши юзасидан ҳамма ишларни координация қилиб туриш учун Колхозлараро Кенгаш ташкил қилинди.

Ҳаёт шуни кўрсатдики, колхозларнинг бўлинмас фондларидаги маблағлар ҳисобига қўриқ ерларни пахта экиш учун ўзлаштириш — қийин, лекин шубҳасиз Ватан учун фойдали, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ишдир. Сарфланган маблағ ва меҳнатнинг ўрни тез фурсатда тўлдирилади.

Марказий Фарғонада сўнгги йилларда ўнларча йирик колхозлар, бир неча МТС, 3 та янги пахтакор район: Наманган областида Задарё районы, Андижон областида Бўз районы ва Фарғона областида Ёзёвон районы ташкил қилинди.

Марказий Фарғонада янгидан ташкил қилинган колхозларнинг ажойиб хусусияти шундан иборатки, улар тезда иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам кўптармоқли хўжаликка айланиб, юқори ҳосил олмоқдалар, чорвачиликни ривожлантирмоқдалар ва колхозчиларни яхши даромад билан таъминламоқдалар. Бу колхозлар пахта тайёрлаш планларини муваффақиятли бажармоқдалар, 1956 йилда эса пахтадан ва бошқа экинлардан энг юқори ҳосил етиштирдилар.

Задарё районидаги «Гигант» колхозини олиб кўрайлик. Бу колхоз тузилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ, лекин ҳозироқ илгор хўжалик бўлиб олди. 1956 йилда бу қишлоқ хўжалик артели ҳар гектар ердан 27 центнердан ҳосил олиб, давлатга 5700 тонна пахта топширди, шоли, маккажўхори, мева, сабзавот ва полиз экинларидан ҳам мўл ҳосил олди. Қўриқ ерларни ўзлаштираётганлар самарали натижаларга эга бўлмоқдалар. Ўтган йили колхознинг даромади 23 миллион сўмдан кўпроқ бўлди, меҳнат кунининг қиймати 24 сўмга етди.

Янги ташкил қилинган колхозларда кўкаламзорлаштирилган обод посёлкалар вужудга келтирилмоқда.

Бироқ Марказий Фарғонада ҳали 150 минг гектарга яқин қўриқ ва ўн мингларча гектар партов ерлар бекор ётипти. Бу ерларни ўзлаштириш ва совет халқига хизмат қилдириш керак. Бу ерда янги районлар, янги колхоз ва МТСлар ташкил қилиш ва Марказий Фарғонани йирик пахта базасига айлантириш кўзда тутилмоқда. Бу янги пахта базаси олтинчи беш йиллик топширигини бажариш учун — Ўзбекистонда пахта етиштиришни бир ярим баравар кўпайтириш учун курашда муҳим роль ўйнаши керак.

Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш — умумхалқ ишидир. Марказий Фарғонани ўзлаштиришга бевосита иштирок этиш — ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчиларнинг, Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларнинг ватанпарварлик бурчи ва шарафли ишидир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республиканинг барча меҳнаткашларига — механизаторлар ва қурувчилар, инженерлар ва техниклар, колхозчилар, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассислари, соғлиқни сақлаш, маориф, фан, маданият ва санъат ходимлари, комсомоллар ва барча ёшларга мурожаат қилиб, Марказий Фарғонага боришга ҳамда қўриқ ва партов ерларни ўзлаштириш, Марказий Фарғонада янги йирик пахта базаси яратиш ишига бевосита иштирок этишга чақирадилар.

Ҳеч шубҳа йўқки, Марказий Фарғонадаги унумдор ерларни ўзлаштириш учун Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва районларидан мингларча ватанпарварлар зўр ҳоҳиш билан борадилар, бу чақириққа комсомоллар, йигит ва қизлар биринчи бўлиб жавоб қайтарадилар, чунки қизғин совет ватанпарварлиги туйғуси билан тўлиб-тошган ёшларимиз партия чақириғи билан, Ватан чақириғи билан доимо қийинчиликларни енгишга биринчи бўлиб отланади, доимо жонажон халқни, севикли Совет Ватанимизни ўз қаҳрамонона ишлари ва фидокорона меҳнатлари билан мамнун қилади.

Марказий Фарғонани гуллаган ўлкага, Совет Иттифоқининг йирик пахта базасига, мўл-кўлчилик ўлкасига, халқ бойлиги ўлкасига айлантирамиз!

ПРОКУРАТУРА-ТЕРГОВ ХОДИМЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Тошкентда прокуратура-тергов ходимларининг республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш республика прокуратура органларининг 1956 йилдаги иш якунлари ва уларнинг социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифалари тўғрисида Ўзбекистон ССР прокурори иккинчи даража юстиция давлат маслаҳатчиси М. Ш. Шералиевнинг докладини муҳокама қилди. Кенгашда прокуратура ходимлари билан бирга суд органларининг раҳбарлари, халқ судъялари, Юстиция министрлигининг, Ички ишлар министрлигининг ва уларнинг жойлардаги органларининг масъул ходимлари, партия ва совет ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Докладда ва музокараларда қайд қилиндики, кейинги вақтларда, КПСС XX съездининг қарорларига мувофиқ, республикада прокурорлик назоратини кучайтириш йўлида бир мунча иш қилинди. Шу билан бирга айрим областларда ва районларда ҳали ҳам қонунларнинг бузилишига йўл қўйилмоқда, совет ҳуқуқ тартибининг ҳар қандай бузилишига барҳам бериш учун етарлик чоралар кўрилмаётир. Кенгаш қатнашчилари бу ҳақда гапирганларида жиноятчиликка, безориликка ва спекуляцияга қарши курашни кучайтириш, бу жиноятларнинг олдини олиш ишларини яхшилаш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар. Колхоз қурилиши тўғрисидаги, социалистик мулкни сақлаш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши устидан контроль ҳам кучайтирилиши лозим.

Кенгашда таъкидландики, ҳозирги вақтда партия ва ҳукуматиттифоқчи республикаларнинг ҳамда маҳаллий Советларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш соҳасида амалга ошираётган тадбирлар муносабати билан социалистик қонунчиликка риоя қилиниши учун республика, область, шаҳар ва районлараро прокуратура органларининг жавобгарлиги анча ортади.

Кенгашда ССР Иттифоқи бош прокурори ҳақиқий юстиция давлат маслаҳатчиси Р. А. Руденко нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети маъмурий органлар бўлими мудирининг ўринбосари А. А. Старцев қатнашди.

Прокуратура-тергов ходимлари билан семинар ўтказилди. Семинар вақтида СССР прокуратурасининг ва Ўзбекистон ССР прокуратурасининг масъул ходимлари, юрист олимлар жиноий ва граждан ишларининг айрим категориялари юзасидан тергов ўтказиш ва бу ишларни ҳал этиш методикаси тўғрисида ҳамда бошқа масалалар юзасидан бир қанча лекциялар ўқидилар. (ЎзТАГ).

ЭКИШГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!

Сирдарё районидаги «Малик» совхозида бу йил 605 гектар ерга арпа билан аралаштириб беда экиш планлаштирилган эди. Совхоз коллективи шу кунларда бу планнинг тўла амалга оширилиши учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Суратда: совхознинг биринчи бригадасида беда экиш пайти. Қорасув районидаги Горький номли колхознинг парник-хўжалигида 2 миллион тупдан ортиқ помидор, карам, қовун ва тарвуз кўчатлари етиштирилди. Ҳозир шу кўчатлардан 700 минг тупдан ортиги расад қилиниб бўлинди. Суратда: колхоз аъзоларидан С. Қосимова (чапдан) ва С. Режаметова ўртоқлар карам кўчатларига сув қўймоқдалар. Р. Исаев ва Х. Ҳайтмуҳамедов фотолари, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тўла гектар учун кураш—муҳим вазифа

Ўтган йили Верхне-волинск районида гектаридан 24,3 центнердан ҳосил олинган эди. Шунда баъзи ўртоқлар, ўтган йили бундан ҳам юқори ҳосил етиштириш мумкин эдию, бўлмай қолди-да, деб афсусланган эдилар. Район партия комитетининг собиқ секретари Ўртоқ Мирдадаев, бунга сабаб — ўтган йили районда қарийб 400 гектар ерга чигит экилмаган эди, дейди. Лекин расмий маълумотларга қараганда, планда кўрсатилган ерларга чигит экилган. Хўш, шундай экан, нима учун бу гаплар пайдо бўлди? Наҳотки, шунча ерга чигит экилмаган, ғўза ўстирилмаган бўлса?!

Афсуски, шундай бўлган. Чунки ўтган йили районда гектарларнинг тўлалиги учун, ғўза тупларининг белгиланган қалинликда бўлиши учун етарли кураш олиб борилмаган эди. Карта, участка доирасидаги майдонлар ҳақиқатан гектар бўлган, аммо булардаги чигит экилмаган кераксиз марзалар, ортиқча йўллар, ўқариқ бўйлари ҳеч кимга кўринмаган.

Бу йил райондаги ўртоқлар ўтган йили йўл қўйилган ана шу камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, чигит экишдан олдин гектарларнинг тўла бўлиши учун курашга алоҳида эътибор бераётирлар. Ҳозир бир қатор колхозларда гектарлар тўла аниқланиб, ҳар бир метр ердан максимал фойдаланиш тадбирлари кўрилмоқда.

«Қизил Октябрь» колхозининг агрономи Вешников колхознинг юқори ва тўқай участкаларида туп қалинлиги қанча бўлишини аниқлаб чиққан. Ҳар бир бригада ва звено бошлиғи ўз ерида қанча кўчат бўлишини билиб олган.

Куйбишев номли колхознинг Ҳакимжон Рустамов бошлиқ бригада аъзолари гектаридан 38 центнердан, Қўлдош Мўминов бошлиқ бригада аъзолари 45 ва Серкабой Исаев бошлиқ бригада аъзолари 50 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганлар. Бу бригадаларнинг ерларини кўрсангиз, ер четидаги ариқларнинг лабигача чопиб қўйилган, карта бурчакларида бир қарич ҳам бўш ер қолдирилмаган. «Победа», Карл Маркс номли колхозларнинг кўпгина бригадаларида ҳам шу ишдаги тадбирлар тўла амалга оширилмоқда.

Лекин барча колхоз ва бригадаларда ҳам шундай иш қилинаётир, деб бўлмайди. Свердлов номли колхозда 820 гектар ер кузда шудгор қилиб қўйилган. Аммо кузги шудгор қилиш вақтида колхоз раҳбарлари ҳам, бригада бошлиқлари ҳам тракторчиларнинг ишини кузатиб турмаганликлари учун деярлик ҳамма карталарнинг четларида, бурчакларида талайгина еллар ҳайдалмай қолиб кетган. Ҳозир эса бу қолиб кетган ерларни ҳайдаш, ерга қўпиш, чигит экишга тайёрлаш тўғрисида колхоз агрономи Қаршибой Юсупов ҳам, колхоз раҳбарлари ҳам мутлақо бош қотирмаяптилар. Бундай ҳолни Шверник номли колхозда ҳам кўрамиз.

Район пахтакорлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини муносиб совға билан кутиб олиш учун гектаридан 27 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Бу ваъдани бажаришнинг дастлабки шарти, яъни ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни такрорламасдан гектарларнинг тўла бўлиши учун ҳамма колхозларда кураш олиб боришни таъминлаш керак.

Районда бу йил 4300 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилиши лозим. Бунинг учун 38 агрегат ташкил этилиб, экипаж аъзолари билан назарий ва амалий машғулотлар ўтказилган. Айрим колхозларда ҳозир синаш учун чигит ҳам экиб кўрилаётир. Жумладан, Куйбишев номли колхозда Ўринбой Толиев бошлиқ бригаданинг 2 гектар ерига квадрат-уялаб чигит экилди. Бунда тракторчилардан Абдугафур Усмонов, Азимжон Қўзибоев, контролёр Асрақул Мамадалиев, шунингдек Омонбой Суяров бошчилик қилаётган агрегат аъзолари чигит эккан ерларда квадратлар тўғри бўлиб чиқди. Бироқ райондаги айрим колхозларда агрегат аъзоларини ҳалитдан алмаштириш, улар ўрнига янги усулни ўрганмаган кишиларни қўйиш ҳоллари юз бермоқда. «Қизил Октябрь» колхозининг раҳбарлари назарий ва амалий машғулотларга қатнашган, квадрат-уялаб чигит экишни яхши ўрганиб олган Раим Исмоилов ўрнига машғулотларга қатнашмаган Сатторовни юборганлар. Квадрат-уялаб чигит экишдек муҳим ишга бундай юзакичилик билан қарашга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Минерал ўғитларни ташиб олишни кечиктириб юборилган. Транспорт воситалари етарли бўлишига қарамай, 400 тонна минерал ўғит ҳалигача ташиб олинмаган.

Верхне-волинск районидаги ҳамма колхозларда чигит экишни қисқа муддатда, сифатли қилиб ўтказиш учун, гектарларнинг тўла бўлишига эришиш учун шароит бор, куч, техника етарли. Вазифа — мана шу имкониятлардан тўла фойдаланиб, бошланган ишни охиригача етказишдан иборатдир.

Б. ХАЛИЛОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Бу йил ҳам ҳосил мўл бўлади

Мирзачўл районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг аъзолари ўтган йили пахтадан юқори ҳосил олиб, дуруст натижаларни қўлга киритган эдилар. Улар ана шу дастлабки муваффақиятларидан фойдаланиб бу йил ҳам чигит экиш кампаниясига тайёргарликни ҳар тарафлама кучайтириб юбордилар.

Ўзаро бошланган социалистик мусобақада ўртоқ И. Юсупов бошлиқ бригада аъзолари олдинда боратирлар. Бригада аъзолари бу йил ўз зиммаларига гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар бу аҳдларининг устидан чиқиш мақсадида фидокорона меҳнат қилиб, 1500 кубо метр ҳажмдаги ариқ ва зовур қазиш ишларини тугалладилар. Дала бошларига 140 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит ташиб чиқардилар. Квадрат-уялаб чигит экиладиган ерларни текислаб, тахт қилиб қўйдилар. Бу ишларни бажаришда бригаданинг М. Шокиров, Х. Холмуродов, М. Режабов каби илғор пахтакорлари бошқаларга намуна кўрсатмоқдалар. Райондаги «Коммуна», «Октябрь» колхозларида ҳам чигит экишга уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрилаётир.

Т. КОЗОКБОЕВ, Б. СУВОНОВ, Қ. МУНАВВАРОВ, Х. ХАЛИЛОВ, Ш. МАЪРУФБОЕВ, Ж. ТУРДИЕВ.

Чигит экишга тайёргарлик кучайтирилмоқда

Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз аъзолари ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириш мақсадида чигит экиш кампаниясига тайёргарликни ҳар тарафлама кучайтириб юбордилар.

Кузда сифатли шудгор қилинган пахта майдонлари ҳозир МТС механизаторлари билан ҳамкорликда жадал усул билан борона қилинмоқда.

Пахтакорлар шу кунгача давлат томонидан берилган чигит ва минерал ўғитларни ташиб олдилар, дала бошларига 3 минг тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит ташиб чиқарилиб, махсус тайёрланган чуқурларга кўмиб қўйилди. Шунингдек, суғориш тармоқларини тартибга солиш мақсадида 12 минг кубометр ҳажмдаги ариқ ва зовурлар тозаланди.

Райондаги Сталин номли «Ленинобод», «Сталинчи», Тельман номли, Жданов номли, Каганович номли колхозларда ҳам чигит экиш кампаниясига тайёргарлик ҳар тарафлама қизғин олиб борилмоқда.

К. ҚУРБОНБОЕВ, Т. ЭРГАШЕВ, Х. ЖАББОРХОНОВ, З. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. КАНЗАФАРОВ.

Илғор звенонинг пахта даласида

Шу кунларда Оржоникидзе районидаги Молотов номли колхозининг пахта далаларида бўлган киши жўшқин ҳаётни, қайноқ меҳнатни кўриб завқланади. Айниқса, ўртоқ Асқар Усмонов бошлиқ илғор звено аъзолари олиб бораётган ишлар мақтовга сазовордир. Бу звено ўтган йили давлатга гектаридан 45 центнердан пахта топшириб, колхоз бўйича энг юқори кўрсаткичга эришилган эди. Звено аъзолари ана шу муваффақиятлари билан кифояланиб қолмасдан бу йил ҳосилни ўтган йилдагига нисбатан янада ошириш учун курашмоқдалар — кўклам экиш кампаниясига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Звено аъзолари шу кунгача 100 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит жамгардилар. Суғориш шоҳобчаларини тозалаб бўлдилар.

Н. МИРОМОНОВ.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Ер ҳайдаш суръатини кескин оширайлик

Экишга пухта тайёргарлик кўрган илғор колхозларда чигитни танлаб экиш бошланди. Бу колхозларнинг 3-4 кун ичида чигит экишни оммавий равишда қизитиб юборадилар. Лекин барча колхозларимиз ҳам экишни шу хилда ташкил этиб, ишни белгиланган муддатда тугаллай оладилар деб айтишимиз бирмунча қийин. Чунки бу колхозларда экиш кампаниясининг тақдирини ҳал этадиган асосий иш — ер ҳайдаш ғоят кечикиб кетмоқда.

Дуруст, ўтган беш кунлигидагига нисбатан кейинги беш кунликда ер ҳайдашда бир қадар силжиш бўлган, лекин бу суръат ҳозирги талабга мутлақо жавоб бермайди. Чунки 25 мартгача кўкламги ер ҳайдаш плани фақат 51,7 процент бажарилиб ҳали яна 42 минг гектарча ер ҳайдалиши керак.

Мавжуд куч ва техникадан тўла ва унумли фойдаланаётган илғор колхоз ва МТСлар ер ҳайдашни барвақт тугаллаб, ҳатто янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига топшириқни ошириб бажардилар. Улар шу кунларда бутун эътиборни ерни чигит экишга сифатли қилиб тайёрлашга қаратганлар. Бунга 1- Юқори Чирчиқ, 1- Мирзачўл, 2- Куйи Чирчиқ МТСлари мисол бўла олади. Бироқ кўпгина МТС ва колхозларнинг раҳбарлари ер ҳайдашдек муҳим ишга ҳали ҳам масъулиятсизлик билан қараб келмоқдалар. Масалан, Октябрь МТС зонасида ер ҳайдаш плани 13,4 процент бажарилган, холос. Шундай қилиб ҳали областда 15 МТС ер ҳайдаш планини 50 процент ҳам бажармаган.

Ер ҳайдаш суръатини тезлатишга ҳозир ҳеч нарса тўсқин бўла олмайди. Афсуски, МТСларнинг раҳбарлари ташкилий-техник намчиликларни тезда бартараф қилиб ишни тезлатиш ўрнига ҳар хил баҳоналарни рўкоч қилмоқдалар. Масалан, Октябрь районида Юқори Тошкент канали зонасидаги ерлар кейинги кунларгача колхозларга тақсимлаб берилмаган. Айрим МТСларда тракторчи кадрлар етишмайди, трактор сифатли ремонт қилинмаган, кўчма мастерской ва техник қаров ишлари яхши ташкил этилмаган.

Ғаниматнинг кунлари ўтиб бормоқда. Район партия, совет ташкилотлари ҳамда МТС, колхозларнинг раҳбарлари бундан тўғри хулоса чиқариб ишдаги намчиликларга тезда хотима беришлари, 5-6 кун ичида ер ҳайдашни тугаллашлари керак.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Чорвачиликни муваффақиятли ривожлантирганликлари учун областлар, районлар, машина-трактор станциялари ва совхозлар ўртасида Кўчма Қизил байроқ таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети чорвачиликни янада ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш ҳамда колхоз ва совхозларнинг чорвачилик фермалари ходимларини, шунингдек зооветеринария мутахассисларини рағбатлантириш мақсадида областлар, районлар, МТС ва совхозлар ўртасида социалистик мусобақани авж олдиришга катта аҳамият бериб, **қарор қиладилар:**

1. Чорвачиликда энг яхши кўрсаткичларга эришган областлар, районлар, МТС ва совхозлар учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қуйидаги кўчма Қизил байроқлари таъсис этилсин:

а) областлар учун битта,
б) районлар учун 10 та,
в) МТСлар учун 10 та,
г) совхозлар учун битта.

2. Кўчма Қизил байроқ областлар, районлар, МТС ва совхозларга молларнинг ҳамма турларини сақлашда, ём моллари сермаҳсул қилиб етиштиришда, сут ҳамда гўшт тайёрлаш ва етиштиришда, шунингдек молларни ем-хашак билан таъминлашда энг яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги, область партия комитетлари ва область ижроия комитетларининг тақдимига мувофиқ қуйидаги муддатларда берилади:

а) хўжалик йилининг биринчи ярим йили якуни бўйича 1957 йил 1 апрелда;

б) 1957 йил II квартали якуни бўйича 1957 йил 1 июлда;

в) Хўжалик йили якуни бўйича 1957 йил 1 октябрда;

3. Кўчма Қизил байроқ билан бирга қуйидагича пул мукофоти ҳам белгилансин:

а) областнинг ярим йиллик иш якунлари бўйича 10 минг сўм, квартал бўйича 5 минг сўм, йил бўйича 15 минг сўм;

б) районнинг ярим йиллик иш якуни бўйича 3 минг сўм, квартал бўйича 2 минг сўм, йил бўйича 5 минг сўм;

в) МТСнинг ярим йиллик иш якуни бўйича 2,5 минг сўм, квартал бўйича 2 минг сўм, йил бўйича 3 минг сўм;

г) совхознинг ярим йиллик иш якуни бўйича 2,5 минг сўм, квартал бўйича 2 минг сўм, йил бўйича 3 минг сўм.

Область, район, машина-трактор станцияси ва совхозлар олган мукофот маблағлари область ижроия комитетлари, район ижроия комитетлари, МТС ва совхоз раҳбарларининг кўриб чиқиши билан энг яхши чорвадорларни мукофотлашга сарфланади.

Октябрь ветеранлари билан учрашув

Бу йил бизнинг социалистик давлатимиз қирқ ёшга тўлади. Совет кишилари бу сафар Улуғ Октябрнинг шонли йиллигини алоҳида зўр тантана, катта шод-ҳуррамлик билан байрам қилишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Уларнинг қалби, фикр-ёди шу кунларда жонажон партия, улуғ Ленин, шонли Октябрь тўғрисидаги порлоқ хотиралар, илиқ миннатдорчилик туйғулари билан тўлиб-тошгандир. Октябрь революцион жанглари билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса: тарихий бинолар, кўчалар, хиёбонлар, корхоналар, музей экспонатлари, асл ҳужжатлар, жанговар байроқлар, мемориал тахталар халқимиз курашиб ўз бахтини қўлга киритган улуғ айёмдан сўнмас ёдгорлик бўлиб қолган. Совет кишилари буларни зўр эътибор ва меҳр билан сақлямоқдалар.

Октябрь жангларини ўз кўзлари билан кўрган, унда иштирок қилган, большевистик сафларда туриб актив революцион фаолият кўрсатган кекса авлодимиз вакиллари биз учун айниқса азиз ва табаррукдир. Яқинда Тошкентдаги темирйўлчилар Маданият саройида ўтказилган тантанали кеча ана шуларга бағишланди.

Кеча очиқ деб эълон қилингач, доклад учун сўз тарих фанлар кандидати Житовга берилади. Докладчи Тошкентдаги ва бутун ўлкадаги революцион ҳаракат тарихини, Октябрь революцияси воқеаларини қисқача айтиб беради. Доклад жуда жонли ва мароқли бўлди. Кеча қатнашчилари уни катта эътибор билан тингладилар.

Сўз кекса большевикларга, Тошкентда бўлиб ўтган Октябрь қуролли қўзғолони қатнашчиларига берилади. Собиқ Ўрта Осиё темир йўл устахонаси (ҳозир Л. М. Каганович номли завод)нинг ишчиси, кекса коммунист Л. Дубовский Тошкентда 1917 йил 28 октябрь (9 ноябрь) қуролли қўзғолони тўғрисида ўз хотираларини сўзлаб берди. У қуролли қўзғолон бошидаёқ заводда тузилган революцион комиссарлик составига киритилган ва транспорт бўйича комиссар қилиб тайинланган эди. Л. Дубовский завод революцион Советининг фаолияти, Ўрта Осиё темир йўли линияларида олиб борилган революцион ишлар тўғрисида сўзлайди.

— Мен ҳозирги Каганович номли заводга 1912 йилда ишга кирган эдим, — дейди кекса ишчи А. Бочарев. — Октябрь ғалабасига қадар ёш ишчининг ҳаёти қандай уқубатли эканлигини тотиб кўрганман. Революцион курашга отланган биз ишчилар эксплуатация ва зулмга таянган тузумни қуролли қўзғолон кўтариб тугатишга, озод ва бахтиёр бўлиб яшашга қатъий бел боғлаган эдик. Большевиклар, Ленин бизга шундай таълим берган эди.

А. Бочарев ҳозирги Каганович номли завод территорияси Октябрь кунларида қуролли қўзғолон кўтарган революцион кучларнинг қалъаси бўлганлигини, Тошкент кўчаларида баррикадалар қурилиб, генерал Коровниченконинг жазо отрядига қарши жанглар бўлганини, ишчилар билан солдатларнинг иноқлашиб кетганини, қўзғолон ғалаба қозонганлигини ҳикоя қилади.

Эллик йил умрини меҳнат билан кечирган 65 ёшли кекса коммунист В. Мазаев революциядан илгари Самарқандда Каландаров деган заводчи бойнинг қўлида жуда оғир меҳнат билан кун кўрганлигини хотирлайди. У февраль ва Октябрь революциялари вақтида Тошкент темир йўлида ишчи эди. В. Мазаев Октябрь революцияси ғалабаларини ҳимоя қилишда тошкентлик темирйўлчилар, металлист ишчилар кўрсатган фидокорликларни эслайди. У Ўрта Осиё темир йўл устахоналарининг ишчилари большевиклар бошчилигида Қизил Армия қисмларига катта ёрдам берганликлари тўғрисидаги ёркин фактларни айтиб беради.

Кеча қатнашчилари Туркистондаги 1905-1907 йиллар революциясида иштирок қилган кекса коммунист Романов-Асхабадскийни қизғин кутиб оладилар. У Тошкентда сўнгги марта бундан қарийб 50 йил муқаддам бўлганлигини, шу давр ичида Тошкент улуг ва обод шаҳарга айланганлиги ва таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлигидан беҳад қувонаётганлигини айтганда залдагилар унинг бу сўзларини зўр мамнуният билан қутлайдилар. У ёшларни совет кишилари меҳнати билан яратилган нарсаларнинг қадрига етишга, Ватани севишга, партия ва ҳукуматга содиқ бўлишга, юксак фазилатли совет граждаплари бўлиб етишишга, ота-боболарга муносиб фарзандлар бўлишга чақиради.

Октябрь революцияси ветеранларини бир қанча жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам қизғин табрикладилар.

Кечанинг тантанали қисми «Интернационал» қўшиғини айтиш билан якунланди. Сўнг катта концерт қўйиб берилди. Сарой вестибюлида, залларида рақс ва танца куйлари, хушчақчақ қўшиқлар ярим кечагача янграб турди.

Ҳ. НУРУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон ССР географияси дарслиги муҳокамасига бағишланган кенгаш

Яқинда Ўзбекистон география жамиятининг мактаблар секциясида республика мактаблари учун Ўзбекистон ССР географияси дарслигини яратишга бағишланган кенгаш ўтказилди. Кенгашда ўрта мактабларнинг география ўқитувчилари иштирок этдилар.

VII синф учун Ўзбекистон ССРнинг табиий географияси дарслигини ёзаётган САГУ доценти С. Долимов, IX синф учун республиканинг иқтисодий географиясидан қўлланма ёзаётган доцент Н. В. Смирновлар кенгашда ўз асарлари тўғрисида доклад қилдилар. Бу ўртоқлар ўз сўзларида дарсликни чиқаришдан кўзланган мақсад, унинг қандай қисмлардан иборат бўлиши, китобдаги иллюстрация ва карталар ҳақида муфассал гапирдилар.

Ҳар иккала дарслик проекти юзасидан қизғин муҳокама бўлди. Кенгаш қатнашчилари дарслик проектига муҳим таклиф ва ўзгартишлар киритдилар. Бу дарсликларни 1958 йилда босиб чиқариш мўлжалланмоқда.

С. МАҲМУДОВ.

Аптекалар тармоғи кенгаймоқда

Областимизда аптекалар тармоғи йилдан-йилга кенгаймоқда, уларнинг меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиши яхшиланмоқда. Ҳозир областнинг шаҳар ва районларида 80 га яқин аптека ишлаб турибди.

Чўлни ўзлаштираётганларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, Мирзачўлда янгидан ташкил қилинган 3 та совхозда аптека қурилади ва шу йилнинг иккинчи кварталида ишга туширилади. Шунингдек, Мирзачўл шаҳри марказидаги аптека учун янги бино қурилиб, моддий базаси кенгайтирилади. Боёвут райони марказида қурилаётган аптека май ойидан бошлаб аҳолига хизмат қила бошлайди. Бундан ташқари, Гулистон районида, Қорасув районининг Сергели станциясида ҳам аптека очилади. Умуман, шу йил янгидан қурилиб, ишга туширилади-ган аптекалар учун 250 минг сўмга яқин маблағ сарфлаш планлаштирилган.

Тошкент область ва шаҳар аптекалар Бошқармаси томонидан Мирзачўлни бўйсундирувчиларга хизмат кўрсатиш мақсадида автоаптека ташкил қилинди. У ҳар куни қурилиш объектларида бўлиб, янгиерликларни зарур дори-дармон билан таъминлайди.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

ЁШ ТАЛАНТЛАР КУРИГИ

Яқинда М. Горький номидаги рус драма театри биносида театр санъати билан шуғулланиб келаётган пойтахт ёшларининг фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда Горький номли театр ва ТуркВО театрининг ёш артистлари ҳамда хореография билим юртининг ўқувчилари иштирок этдилар.

Фестиваль қатнашчилари томонидан кўрсатилган номерларда белоён Ватанимизнинг куч-қудрати, гўзаллиги, фаровон ҳаётимиз, совет кишиларининг фидокорона меҳнати куйланади, ғалабадан-ғалабага бошлаб бораётган жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматимизга ташаккур ҳис-туйғулари ифода этилади.

Пойтахт ёш санъаткорларининг фестивали шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятимизнинг кун сайин ўсиб бораётганини таъкидлаш билан бирга, омма орасидан етишиб чиқаётган талантларнинг қобилият ва маҳорати, санъатининг ёркин намойиши ҳам бўлди.

Танаффус вақтида фестиваль иштирокчилари учун оммавий ўйинлар, викторина, лотерея ва танцалар ташкил этилди.

ЎРИК ГУЛЛАДИ



Келди гўзал навбаҳор,
Баҳор бизнинг ифтихор.
Қуёш порлаб нур сочар,
Майин ел баҳринг очар.

Қўшиқ нуйлар сой, канал,
Адрлар баҳри бахмал.
Уриклар гуллаб оппоқ,
Чаман бўлди ҳаммаёқ.

Я. Чорбадзис фото этюди.

Винтовкадан станокка

Ўтган йил кузда Совет Армияси сафидан хизматни адо этиб қайтган ўнларча йигитлар «Чирчиқсельмаш» заводига ишга қабул қилинган эдилар.

Қуюв цехига келганимизда собиқ солдат ўртоқ Н. Зайнутдинов қишлоқ хўжалик машиналари деталларини шлифовка қилиш билан банд экан. Биз билан суҳбатда у қуйидагиларни айтди:

— Армия сафидан қайтганимдан сўнг республикамизда пахтачиликни ривожлантиришдек умумхалқ ишидан четда қолмай деб, шу заводга ишга кирдим. Бригада бошлиғимиз ўртоқ Ломакин менга касб эгаллашда яқиндан самимий ёрдам берди ва жилвирловчилик касбини эгаллаб олдим. Ҳозир беш ойдан бери ана шу касбда мустақил равишда ишлаб, кундалик нормани ошириб бажармоқдаман. Январь ва февраль ойлари планнини 200 процентга етказиб адо этдим.

Армия сафидан қайтган Оглоблин, Охват, Жабаев ва бошқа ўртоқлар ҳам шу заводда ишлаб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўз билимларини оширмоқдалар. Чирчиқ машинасозлик техникумида бундай ёшларни кўплаб учратиш мумкин. Завод маъмурияти ёш ишчиларга ўқиш ва ишлаш учун қулай шароитларни яратиб бермоқда.

Н. ТОШКЕНБОЕВ.

Мактабда ошхона

Мирзачўл шаҳридаги Куйбишев номли 1-ўрта мактабда ўқувчи ва ўқитувчиларга маиший хизматни яхшилаш мақсадида ошхона ташкил қилинди. Ошхонада ҳар хил иссиқ таомлар пиширилиб, арзон нархда сотилмоқда.

Ошхона ходимлари А. Смирнова ва В. Брининская ўртоқлар таомларни сифатли тайёрлаш билан бирга, ҳўрандаларга яхши маданий хизмат кўрсатяптилар.

Б. СОИБНАЗАРОВ.

Суратларда: 1. Горький театрининг кираверишида. 2. Хореография билим юртининг ўқувчиларидан **Л. Харченко** (чапда) ва **С. Шариповалар** тарантелла ижро этмоқдалар. 3. Хореография билим юрти ўқувчиси **О. Усмонова** ўзбекча рақс ижро этаётир. 4. Ўзбек хореография билим юрти ўқувчиларидан **Е. Морозова** ва **Г. Голоянц** «Капеллия» балетидан бир кўринишни ижро этмоқдалар.

Р. Шамситдинов фотолари, (ЎзТАГ фотохроникаси).

СТУДЕНТЛАР КЛУБИДА

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг 2-ётоқхонаси ҳузурида клуб ташкил этилди.

Клуб яхши безатилган, зарур буюмлар билан жиҳозланган. Клубга ўрнатилган телевизордан студентлар концерт ва кинофильмларни томоша қилмоқдалар.

Клубда турли темаларда тез-тез лекция ва суҳбатлар ўтказиб турилади. Философия фанлари кандидати Л. Гарбер «Пролетар интернационализми», ўқитувчи М. Расулев КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорлари тўғрисида ўқиган лекциялар қизиқарли ўтди.

Клубда қизиқарли учрашувлар ҳам бўлиб туради. Яқинда Совет давлатини барпо этишда контрреволюцион элементларга қарши актив кураш олиб борган кекса коммунистлардан К. Богапов ва А. Абдурашидов ўртоқлар билан студентларнинг учрашувлари бўлиб ўтди.

А. ТУРСУНОВ.

„Социалистик Ўзбекистон" журналининг март сони

«Социалистик Ўзбекистон» журналининг 3-сони «Тарихий қарорлар» бошмақоласи билан очилади.

Бу сонда «Ватанимиз хотин-қизлари» сарлавҳали редакцион мақола, Дм. Полининнинг «Қишлоқ ўқитувчиси», С. Борисовнинг «Она қалби», М. Сергеевнинг «Муҳим иш» сарлавҳали мақолалари, А. Сурковнинг «Матрос рақси», Елизавета Видонованинг «Фестиваль шеъри», А. Николаевнинг «Янги завод корпуслари», Г. Марковнинг «Қўклам арафасида» сарлавҳали зарисовкалари берилган.

Журналда А. Филлипованинг «Бош инженер» сарлавҳали фотоочерки босилган. Бунда автор Тошкент электро-ремонт заводининг бош инженери Саломат Муҳамаджонова ва унинг эри, адабиётчи Султон Муҳаммаджоновлар оиласининг фаровон, қувноқ турмушини ҳикоя қилади.

Бундан ташқари, А. Маильянцнинг «Каспий нефтчилари», Н. Сергеевнинг «Жасорат», М. Котовнинг «Ниса қазилмалари», Ю. Ульяновнинг «Студентлар» сарлавҳали фото-очерк, мақола ва зарисовкалари, В. Дробиннинг «Танишимиз» сарлавҳали ҳажвий шеъри ва кўпгина бошқа материаллар босилган.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ЧЕХОСЛОВАКИЯ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА

ПЕКИН, 27 март. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради:

Бугун Пекинда Хитой билан Чехословакия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзоланди.

Шартномани бош министр Чжоу Энь-лай ва Чехословакия ҳукуматининг раиси В. Широкий Хитой Халқ Республикаси раисининг ўринбосари Чжу Де ҳузурида имзоладилар.

Шартномада айтилишича, томонлар бутун дунёда тинчликни ва хавфсизликни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг принципларига мувофиқ таъминлаш мақсадини кўзлаган ҳамма тадбирларда қатнашиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Ҳар иккала томон халқаро тинчликка ҳамда айниқса, ҳар иккала мамлакатнинг территориал бутунлигига ва миллий хавфсизлигига тааллуқли муҳим халқаро масалаларда бир-бирлари билан маслаҳатлашиб туриш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Шартноманинг яна муҳим моддалари шуки, унда ўзаро иқтисодий ёрдамлашиш ва ҳамкорлик қилиш, маданият соҳасида алоқалар доирасини кенгайтириш ва илм-фанни ривожлантиришда ўзаро ёрдамни кенгайтириш тадбирлари кўзда тутилган.

Шартноманинг ҳаракатини тўхтатиш ёки уни қайта кўриб чиқиш тўғрисида битимга келинмагунча, бу шартнома ўз кучида қолаберади.

Хитой ва Чехословакия ҳукуматлари шартнома билан бир вақтда эълон қилинган қўшма баёнотда халқаро кескинликни янада юмшатиш тенденцияси борлигини кўрсатиб ўтиш билан бирга, социалистик мамлакатларни бирликка даъват қилдилар ҳамда бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай империалистик фитналарга қарши барча миллатчи мамлакатлар ва бошқа тинчликсевар миллатлар билан бирлик ўрнатишга даъват қиладилар. Улар бу баёнотда Ғарбий Германия вермахтининг атом қуроли билан қуроллантирилишига ва илгариги гитлерчи генералларнинг НАТОдаги мансабларга тайинланишига ўзларининг қарши эканликларини билдирганлар.

Улар тинчлик ва демократия асосида Германиянинг ҳар иккала қисми ўртасида маслаҳатлашиб келишиш йўли билангина Германияни бирлаштириш мумкинлиги тўғрисида Германия Демократик Республикасининг позициясини қўллаб-қувватлайдилар.

Ҳар иккала томон, Европа «умумий бозори» ва «Евратом» НАТО аъзолари бўлган мамлакатлар ташаббуси билан тузилаётган бекик ташкилотлардир, деган фикрга келдилар ва ҳар иккала соҳада Умум Европа ташкилотлари тузиш тўғрисидаги совет таклифини қувватладилар.

Хитой Варшава шартномасини ўзўзини мудофаа қилиш мақсадида тузилган ташкилот деб, тўла равишда қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирликда, ҳар иккала томон, НАТО билан Варшава шартномаси ўрнига Умум Европа коллектив хавфсизлик системаси тузилса яхши бўлур эди деб истак билдирдилар.

Ҳар иккала томон «Эйзенхауэр доктринаси»ни Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари суверенитетига ва мустақиллигига асосий хавф бўлиб қолган Америка мустамлакачилигининг янги кўринишидир, деб қатъиян қораладилар. Ҳар иккала томон Совет Иттифоқининг тегишли таклифларида Яқин ва Ўрта Шарқ проблемаларини ҳал қилишнинг оқилона йўли кўрсатиб берилган деб ҳисоблайдилар.

Ҳар иккала томон Корея ва Вьетнам халқларининг ўз мамлакатларини бирлаштиришга эришиш йўлидаги интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда Осиёда, Африкада ва Латин Америкасида мамлакатлар томонидан миллий мустақиллик учун олиб борилаётган ҳаққоний курашни қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Улар Чехословакия билан Япония ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигини ҳам табриклайдилар.

Ҳар иккала томон, ҳозирги вазиятда қуролсизланиш тўғрисида лоақал қисман битимга келишнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтдилар ва ядро қуролини батамом тақиқлашга томон биринчи қадам тарақасида бу қуролни синовлардан ўтказишни тўхтатишга чақирдилар.

Улар Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик мамлакатларнинг мустаҳкам бирлиги социализм ва бутун дунёда тинчлик учун энг ишончли гарантия эканлигини ўқтириб ўтдилар. Улар Венгрияга ёрдамлашишни давом эттиришга ва қийинчиликларни енгишда бу мамлакатга ёрдам беришга қаттиқ бел боғлаганликларини билдирдилар.

Ҳар иккала томон Хитой билан Чехословакия ўртасидаги дўстона ҳамкорликнинг ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётганлиги муносабати билан ўзларининг мамнун бўлганликларини изҳор қилдилар, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шу шартнома тузилганлиги натижасида бу дўстлик тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланади, деб ишонч билдирдилар.

Бугун кундузи Пекинда маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар ҳам имзоланди.

ВЕНГРИЯ ТЕЛЕГРАФ АГЕНТЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

БУДАПЕШТ, 27 март. (ТАСС). Венгрия телеграф агентлигининг бугун эълон қилган ахборотида айтилишича, Венгрия социалистик ишчи партиясининг Марказий комитети Австрия Коммунистик партиясининг таклифномасини олганидан сўнг, Австрия Коммунистик партиясининг съездига Венгрия социалистик ишчи партияси ижроия комитетининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикасининг давлат министри Дьерд Марошан бошчилигида делегация юборишга қарор қилган эди. Бироқ, Австрия ҳукумати Венгрия делегациясининг Австрияга боришига йўл бермади, чунки Дьерд Марошанга Австрияга кириш учун рухсатнома беришдан бош тортди..

Австрия ҳукумати, дейилади ахборотнинг охирида, иккала давлат ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатишни истамаётганлигини бу билан яна бир марта яққол кўрсатди.

СОВЕТ-АФҒОНИСТОН ТЕХНИКА ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ҚОБИЛ, 27 март. (ТАСС). Афғонистон пойтахти Қобилда совет мутахассисларининг техника ёрдами билан қурилган нон комбинати яқинда ишлатиш учун топширилганлиги хабар бериб ўтилган эди.

Кеча Қобилда галла тайёрлаш бошқармасининг биносида совет мутахассисларининг комбинат қурилишида техника ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги аҳдномани бажарганликлари тўғрисида тузилган акт имзоланди.

Совет мутахассисларининг комбинат қуришда қилган ишларига юксак баҳо берилди. Афғонистон короли Муҳаммад Зоҳир шоҳ комбинат иши билан муфассал танишиб чиққач, совет мутахассисларига яхши ишлаганликлари учун ташаккур билдирди ва бу нон комбинати Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги бузилмас дўстлик ва яқин ҳамкорликнинг яна бир далили бўлиб қолади деди. Афғонистон, деди у, ҳали кўп корхоналар қуриши керак. Шу сабабли ҳар иккала мамлакат халқларининг яқиндан ҳамкорлик қилиши бу ишларда муваффақиятлар қозонилишига гаров бўлади.

Молия министри Абдул Малик, совет мутахассислари ўзларининг қимматли тажрибаларини афғон мутахассисларига ўргатиб қўйдилар, деди. Афғонистонлик ходимлар, деди у, комбинатдаги ҳамма машиналарни ва ускуналарни бошқаришни совет мутахассисларидан ўрганиб олмоқдалар.

Совет мутахассислари ҳам сўзга чиқиб, қурилишнинг муваффақиятли тугалланишига афғон ишчилари — ғишт терувчилар, суворчилар, дурадгор усталарнинг меҳнатсеварлиги ва юксак маҳорати кўп жиҳатдан ёрдам берганлигини, бу эса ишнинг тез суръатлар билан бажарилишини таъминлаганлигини айтиб ўтдилар.

Қурилиш бош инженерининг ўринбосари Матвиенко дедики, Совет-Афғонистон техника ҳамкорлиги Афғонистон ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасида дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётганлигининг натижасидир.

Кобилдаги нон комбинати қурилишида қатнашган совет мутахассислари ватанга қайтиб келадилар.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ КОМИССИЯСИ КИЧИК КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

ЛОНДОН, 27 март. (ТАСС). Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролсизланиш комиссияси кичик комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Қўшма Штатлар вакили Стассен раислик қилди. Эндиги мажлис 28 мартда бўлади.

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ ЧЕХОСЛОВАКИЯГА БОРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАКЛИФНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ПЕКИН, 27 март. (ТАСС). Чехословакия ҳукумат делегациясининг бошлиғи Вильям Широкий Хитой Халқ Республикаси давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лайни ва Хитой ҳукуматининг бошқа раҳбар арбобларини Чехословакия Республикасини бориб кўришга таклиф қилганлиги бугун бу ерда расмий равишда эълон қилинди. Бош министр Чжоу Энь-лай бу таклифни қабул қилди.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/III да кундуз **Бой ила хизматчи**, кечқурун **Ганг дарёсининг қизи**, 30/III да кундуз **Аломат ҳодиса**, кечқурун **Ҳамза**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/III да кундуз **Бахт соҳили**, кечқурун **Галька**, 30/III да кундуз **Евгений Онегин**, кечқурун **Оққуш кўли**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — йиртқич хайвонларни ўргатувчи **Н. П. Гладильщиков** гастроллари ва бошқа номерлар. Томоша кундуз соат 1 ва кеч 8 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — эрталаб соат 9 дан ва кеч 10-45 минутда **Икки океан сири** (1 ва 2-серия), кеч соат 7 яримда **Мирза Ғолиб**, кеч 9 да кенг экранли фильм **Пролог**.

НАВОИЙ НОМЛИ, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Икки океан сири** (1 ва 2-серия).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

спектакларнинг

репертуар плани

29/III да — кундуз **Синғиллар қиссаси**, кечқурун **Зафар**.

30/III да — кундуз ва кечқурун **Азиз ва Санам**.

31/III да — кундуз **Тоҳир ва Зуҳра**, кечқурун **Фарҳод ва Ширин**.

Тошкент шаҳар Навоий кўчаси, 15-тупик, 18-уйда турувчи **Муҳаббат Азизованинг** Носирхон Тўраевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ УЙ-ЖОЙЛАРИДА ВА БИНОЛАРИДА ЁНҒИНДАН САҚЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

мажбурий фармойиши

1957 йил 1 март № 1. Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳрининг уй-жойларида ва биноларида ёнғиндан хавфсизликни таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети **қарор қилади:**

Тошкент шаҳрининг уй-жойлари, жамоат маданий-томоша бинолари ва бошқа жойларда ҳамда муассаса ва корхоналарда ёнғиндан сақлашга доир қуйидаги қоидалар тасдиқлансин.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Барча корхона, муассаса ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, управдомлар, комендантлар, домкомлар, маҳалла комитетларининг раислари, уй эгалари ва Тошкент шаҳрининг ҳамма граждانлари ушбу ёнғиндан сақлаш қоидаларини бажаришга мажбурдирлар.

Объект ва ташкилотларнинг раҳбарлари айрим цех, мастерской ва бинонинг ёнғиндан сақланиши учун масъул бўлган кишиларни тайинлаб буйруқ чиқаришлари ва ёнғиндан сақлаш қоидалари ҳақида инструкция тузишлари лозим.

I. ЕНҒИН ЧИҚИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ:

1. Уй-жой, ҳовли ва жамоат биноларида шаҳар-район уй-жой бошқармалари ва Давлат ёнғин назорати томонидан бериладиган паспорт бўлмасдан туриб, очиқ ўт, портловчи модда, тез алангаланувчи, ёнувчи суюқлик ва материалларни ишлатиш шуғулланмоқдалар.

2. Бино ичини қайтадан қуриш, якка автомашиналар учун гараждар, сарой, кладовой ва ҳоказо қуриш.

ЭСЛАТМА. Бу ишлар фақат район ижроия комитетлари ва Давлат ёнғин назоратининг рухсати билан бажарилиши мумкин.

3. Уйлардаги зинапоя, умумий ўчоқхона, чердаклардан уй-жой сифатида фойдаланиш.

4. Қават оралари ва деворларни қурганда, совуқдан сақлаш учун: қипиқ, қиринди, қамиш сингари ёнувчи материал ишлатиш. Девор ва шипларга ўтдан сақлайдиган состав шимдирилмаган газлама тутиш.

5. Қурилиб тамомланмаган ва Давлат комиссияси қабул қилиб олмаган бино ҳамда иншоотларни фойдаланишга топшириш.

6. База ва складлар территориясида, маъмурий бино ва маданий-томоша корхоналари ҳовлисида (ёнғиндан сақлаш қоидаларига жавоб бермайдиган жойларида) автотранспорт турадиган жойлар қуриш.

7. Мажлис зали, театр, мактаб, касалхона, болалар муассасаларида ва махсус кино аппаратхонаси бўлмаган бошқа жойларда ёнувчи плёнкали кинофильмлар кўрсатиш.

8. Кўча, проезд, чиқиш йўли ва биноларнинг орасини, бино, ёнғин нарвонлари, сув манбалари ва ўт ўчириш воситалари ёнига борадиган йўлларни банд қилиш, шунингдек асосий ва эҳтиёт чиқиш йўлларини маҳкам бекитиб қўйиш.

9. Ҳовлиларга ўчирилмаган чўғ ва кул ташлаш, уй балконлари ва айвонларида ҳамда ёғоч бинолар ёнида овқат пишириш учун мангалкадан фойдаланиш.

10. Бинонинг чердак, зинапоя ва вестибюлларида ёнувчи материал, шунингдек тез алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар сақлаш.

Квартираларда керосинни, тез алангаланувчи ва ёнувчи бошқа суюқликни зич тиқинли металл идишлардагина сақлаш мумкин.

11. Чердакдаги брандмауер тешикларини очиқ қолдириш (бу тешиклар ва зинапоядан чердакка чиқадиган люклар ёнғиндан сақлайдиган эшик ёки қопқоқ билан ёпилиб, қулфланиши, калити эса белгиланган жойда сақланиши лозим).

12. Бинонинг канализация ва водопровод трубаларини ёнувчи буюмлар ва бино қисмлари ёнида паяльниклар билан ҳамда очиқ ўт қўлланиладиган бошқа усуллар билан қиздириш.

13. Ёнғиндан хавфсизлик чораларига риоя қилиш тўғрисида инструктаж олмаган кишилардан газосварка ва электросварка ишларини бажартириш.

14. Иморат ёнида ва томда пичан, сомон, ғўзапоя, ёғоч идиш ва бошқа ёнувчи материал тахлаш, ўтин билан кўмирни бир жойда сақлаш, шунингдек кўмирни девор ва қават оралари ёғочдан қурилган ва сувоқ қилинмаган биноларда тахлаш.

II. ЭЛЕКТР УСТАНОВКАЛАРИ ВА АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚУЙИДАГИЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ:

1. «Энергосбит»нинг рухсати бўлмасдан туриб, электр установкаларини ва асбоблари ўрнатиш ва ишлатиш.

2. Калибрли предохранитель ўрнига, қўлда ясалган, кустарь предохранителдан фойдаланиш.

3. Эскирган (симининг изоляцияси бузилган, роликдан чиқиб, осилиб қолган, бино қисмлари ёки бирор буюм ва ҳоказога тегиб турган) электр тармоқларидан фойдаланиш.

4. Электр симларига ёки арматурасига обой, қоғоз, плакат ва бошқа ёнувчи материал ёпиштириш ёки қоплаш.

5. Электр симларини мих билан маҳкамлаш ёки ип, сим ва ҳоказо билан тортиб қўйиш.

6. Виключатель, штепсель розеткаси ва роликка кийим ёки бошқа буюм илиш.

7. Симни девор орқали ўтказганда, бу ишни қўшимча изоляция (фарфор втулка, эбонит трубка ва ҳоказо) қўрмасдан бажариш.

8. Ёқилган электр асбобларини қаровсиз қолдириш. Уларни куймайдиган тагликка қўймасдан ёқиш ҳамда ёнувчи буюм ва бино қисмлари ёнида ўрнатиш.

9. Бузуқ электр асбобларидан фойдаланиш.

10. Электромонтаж ишларини тегишли малакаси бўлмаган кишилардан бажартириш.

11. «Энергосбит» ва Давлат ёнғин назорати билан келишмасдан, иллюминациялар қуриш.

III. ИСИТИШ ВА ЁҚИШ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚУЙИДАГИЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ:

1. Иситиш асбобларини печларга доир Давлат стандарти — ГОСТ 4058-48 га риоя қилмасдан ўрнатиш.

2. Вақтинча иситиш асбобларини Давлат ёнғин назорати билан келишмасдан ўрнатиш.

3. Ёриқлари бўлган, эшиклари бузуқ, бинонинг ёнувчи қисмлари (қават ораси ва девор)дан етарли ажратилмаган, қурумдан тозаланмаган, тахта полда ўтхона олдига 50х70 сантиметр катталигида тунука ёйилмаган печь ва мўрилардан фойдаланиш (мўрилар оқланиши лозим).

ЭСЛАТМА. Мўрилар қурумдан қуйидагича тозаланиши лозим:

а) иситиш печларида — иситиш мавсумида камида икки марта;

б) уй-жой ўчоқхоналарида — икки ойда камида бир марта;

в) узоқ ёқиладиган (нонвойхона, ҳаммом, кир ювиш хонаси, ресторан, ошхона ва ҳоказо) печларда — ҳар ойда икки марта.

4. Ўтин, кўмир ва бошқа ёнувчи материални иситиш асбоблари устида қуритиш, шунингдек уларни печь ва кипятильник ўтхонаси олдига тахлаш.

5. Иситиш асбобларини уч соатдан ошиқ узлуксиз ёқиш.

6. Печь, плита, самовар ва ҳоказони ёқиб юбориш учун тез алангаланувчи суюқлик (бензин, керосин ва бошқалар)дан фойдаланиш.

7. Қўлда печь, примус, керосинка, керогаз сингари асбобларни, электроплитка, дазмол, чойнак ва бошқа электр асбобларини қаровсиз қолдириш ёки ёш болаларга топшириб қўйиш.

8. Печь ишларини бажаришда малакасини тасдиқлайдиган ҳужжати бўлмаган кишилардан фойдаланиш.

9. Примус ва керосинкаларга бензин, лигроин ва техник (трактор) керосини қуйиш, шунингдек керосинни ёниб турган ёки қизиган примусга қуйиш.

10. Ўчирилмаган чўғ ва кулни куядиган идишда тутиш ёки металл идишда бўлса ҳам, тахта пол ёхуд дераза такчаси ва тахта тагликка қўйиб сақлаш.

IV. ЎТ ЎЧИРИШ ВОСИТАЛАРИ ВА ЕНҒИН ОХРАНАСИНИ ЧАҚИРИШ

1. Барча уйлар, киши яшамайдиган ва маъмурий бинолар ҳамда муассасалар, «Дастлабки ўт ўчириш воситалари нормаси»га мувофиқ ўт ўчириш воситалари билан таъминланиши лозим.

2. Ёнғин асбоб-ускунаси ва ўт ўчириш воситалари (огнетушитель, ёнғин крани, унинг рукав ва стволи ва ҳоказо) тузук аҳволда ва ишга солиш учун доим тайёр ҳолда тутилиши ва фақат ўт ўчириш учунгина фойдаланиши лозим.

3. Управдомларга, уй-жой, ётоқхона, муассаса комендантлари ва уй эгаларига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

а) ёнғин гидранти қудуқларининг қопқоғини қор, муз, ахлат ва тупроқдан тозалашни кузатиш;

б) сув манбаларига борадиган йўлларни тузук аҳволда тутиш;

в) ёнғин гидрантлари ва сув манбаларининг турар жойи учун белгиланган намунадаги кўрсаткичларни тузук ва тоза аҳволда тутиш;

г) уй номери ва кўча номини кўрсатган тахтачаларни кўринарли жойга ўрнатиб, кечалари ёритилишини кузатиш.

4. Ўт ўчириш учун фойдаланадиган сув манбалари ремонт қилинганда ва тозаланганда, сувини фақат Давлат ёнғин назоратининг рухсати билан чиқариб юбориш мумкин.

5. Жамоат ва коллектив фойдаланишда бўлган ҳар бир телефон аппарати ёнида ёнғин охранасининг телефони — № 01 деб ёзилган тахтача ўрнатилиши лозим.

Ҳар бир муассаса ва квартира телефонининг эгаси ёнғин ҳақида маълум қилиш учун ўз телефонларидан бемалол фойдалантиришлари лозим.

Шу мажбурий фармойишни бузишда айблор бўлган кишилар 100 сўмгача штраф тўлайдилар ёки бир ойгача муддат билан мажбурий ишга тортиладилар.

Бу мажбурий фармойишнинг бажарилишини контроль қилиш Тошкент шаҳар ёнғин охранаси ва милиция органларига юкланади.

Шу мажбурий фармойиш эълон қилинган кундан бошлаб 15 кундан кейин кучга киради ва Тошкент шаҳри территориясида жорий этилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. ТУРСУНОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари В. УМАРОВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 138. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 00383. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1769.